



ВАТАНИМИЗ РИВОЖИНИ ТИЛАЙЛИК

Умрни оқар дарёга қиёслашлари бежиз эмас. Интиқиб кутганимиз Рамазон ойи ҳам ниҳоясига етди. Бу орада мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги катта тантана билан нишонланди. Қалбимиздан кузнинг илк кундаги байрам шукуҳи кўтарилмай туриб, бир-биримизни рамазон ҳайити билан қутладик.

Байрамлар инсонларга қувонч ва хурсандчилик келтириши билан бирга ўтиб бораётган умримизни ҳисоб-китоб қилишга ҳам ундайди. Бундан ўн тўққиз йил бурун собиқ иттифоқда биринчилардан бўлиб, муҳтарам Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилган эди. Ўшанда бу юртнинг тезда дунё миқёсида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишини кўплар хаёлига келтирмаган. Сир эмас, совет даврига ўрганиб қолган айрим юртдошларимиз ўша йиллари ҳатто "истиклол" деган сўзни ҳам сингдиролмай юришди. Боқимандалик кайфиятидан чиқолмай, "энди бу ёғи нима бўлади?" деганлар оз эмасди.

Аллоҳга шукрлар бўлсин, истиқлол туфайли халқимизга бир-бир имкониятлар эшиги очилди. Тез орада дунёда мошина ишлаб чиқарувчи йигирма саккизта давлатнинг бирига айландик. Ҳозир кўчаларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган автоуловлар билан тўла. Дўконларга кирсангиз, сотувчиларнинг: "Олаверинг, ишончли, ўзимизда

ишлаб чиқарилган" деган сўзлари кишини қувонтиради. Очиги, собиқ тузум пайтида дунё харитасида Ўзбекистон деган юрт борлигини кўпчилик билмас эди. Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида байроғимиз ҳилпираб турибди. Бу ютуқлардан қандай фахрланмаслик мумкин!

Истиқлол туфайли динимиз, қадриятларимиз қайта тикланди. Масжид ва мадрасаларнинг қулф осиглиқ эшиклари очилди. Бугун ўндан ортиқ олий ва ўрта-махсус диний таълим масканлари ёшларни ўз бағрига олган. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз эмин-эркин ҳаж ибодатини адо этиб қайтпти. Мамлакатимиз кундан-кун чирой очиб борапти. Замонавий иншоотлар, обод этилаётган зиёратгоҳлар юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Истиқлолимиз ўн тўққизга тўлди. Ўн тўққизта довондан, қанчадан-қанча синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан ўтдик. Тан олиш керак, буларнинг бари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу эзгу ишлар ортида танти, меҳнаткаш халқимизнинг заҳматлари, раҳбариятимизнинг оқилона сиёсати турибди.

Боласи ўн тўққизга тўлган ота-онани бир тасаввур қилинг. Фарзандининг бўй-бастига боқиб, қанчалик қувонади. Орзу-армонларини энди унинг камолида кўради. "Яратган сени ёмон кўзлардан, ёмон сўзлардан асрасин", дея холис дуолар қилади. Бугун биз ҳам истиқлолнинг ўн тўққиз йиллигини нишонлаган Ватанимиз ҳуснига боқиб, чин кўнглимиздан унинг ривожини сўраб, дуо қиламиз...

Умрни оқар дарёга қиёслашлари бежиз эмас. Куни кеча деҳқонларимиз етти миллион тонналик ғалла хирмони кўтарганидан хурсанд эдик. Бугун куз, пишиқчилик мавсуми бошланди. Олдинда қиладиган ишларимиз, йиғиб-териб оладиган ҳосилларимиз мўл. Аллоҳ таоло ишларимизга, хирмонларимизга барака берсин. Топган-тутганларимиз яхши кунларимизга буюрсин.

Муҳаммад СИДДИҚ



ИСРОФ ҚИЛГАНЛАР МАҲРУМ БЎЛИШАДИ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

وَكُلُوا وَاشْرَبُوا وَلَا تُسْرِفُوا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ ﴿٣١﴾

«...Ва (истаганларингни) енглар, ичинглар ва исроф қилманглар. Зеро, У (Аллох таоло) исроф қилувчиларни яхши кўрмайди» (Аъроф, 31).

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ ﴿٢٨﴾

«Исроф қилувчини, ёлгончини Аллох тўғри йўлга бошламайди» (Фофир, 28).

... وَلَا تُبَذِّرْ تَبْذِيرًا ﴿٢٦﴾ إِنَّ الْمُبَذِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ

الشَّيْطَانِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ كَفُورًا ﴿٢٧﴾

«...Асло исроф қилманг! Исроф қилувчилар шайтонларга дўст бўлганлардир. Шайтон Парвардигорига ношукр бўлгандир» (Исро, 26–27).

Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

«Ким исроф қилса, уни Аллох маҳрум қилади» (Шихоб).

* * *

Исроф:

- ҳаддан ошиш;
- керакли ўринга керагидан ортиқча сарфлаш;
- рухсат этилмаган нарсаларни ейиш;
- рухсат этилган нарсаларни эҳтиёждан ошиқча ейишдир.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллох МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулхамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомилдин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Балиий муҳаррир

Хайруллох ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли

Саҳифаловчи

Юсуп САБУРОВ

Матни

Раҳима КАРИМЖОН кизи билан Зебунисо
теришди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, 227-34-30.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2010 йил 6 сентябрда рухсат берилди.
Босмахонага 2010 йил 8 сентябрда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 36500 нусха.
1186-сон буюртма. «Shaq» нашриёт-матбаа
ҳиссалдорлик компаниясида босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Бугуннинг гапи	
Муҳаммад СИДДИК	
Ватанимиз ривожини тилайлик	1
Таянч нуқта	
Исроф қилганлар маҳрум бўлишди	2
Истиқлолнинг 19 йиллиги	
Абдували ИСАЖОНОВ	
Иқтисодиётимиз одимлари	5
Ҳадис шарҳи	
Фарҳод ЖУРАЕВ	
Яхши гап, кўшилар ва меҳмонларни	
хурматлаш имондандир	6
Насихат	
Юлдуз КОМИЛ қизи	
Балога сабаб гуноҳлардир	7
Саҳобалар ҳаёти	
Аҳмад МУҲАММАД	
Муоз ибн Жабал	8
Биркамол авлод йили	
Муҳиддин НУЪМОНОВ	
Мир Араб мадрасаси	10
Муносабат	
Насруллоҳ ШУКРУЛЛОҲ ўғли	
Мадраса номи имлоси ҳақида	11
Аждодлар ибрати	
Алишер МУҲАММАДИЕВ	
Шайх Шамсиддин Кулол	13
Идора ҳаёти	
Сирдарё сафари	13
Долзарб мавзу	
Болалар ва пул	14
Масала	
Бир савол сўрасам	15
Олисларга саёҳат	
Шаҳризад НАСРУЛЛАЕВ,	
Шерзод ШАРИПОВ	
Марказий Африка Республикаси	16
Машҳур муфассирлар	
Шукрулло УМАРОВ	
Абдулҳамид ибн Ҳумайд Кеший	18
Мактубларда манзаралар	
Жамол ЖАМИЛОВ	
Хайри хайфсан	18
Нигора МИРЗАЕВА	
Кўшилар билан танишдим	22
Ёмонликдан қайтариш	
Дилором ҲОЗИЕВА	
Фолчилик катта гуноҳ	23
Шеърят	
Ўктам ЙЎЛДОШ	
Унгутда	24
Илёс ЮНУСОВ	
Тошкентим, онам	25
Аёллар саҳифаси	
Зумрад ҲОЗИЛЖОН қизи	
Бир боғлам мойчечак	26
Зебунисо ҲУСАЙН қизи	
Уйларимизнинг бекалари	27
Тиббиёт бурчаги	
Қатиқнинг хосиятлари	29
Мушоира	
Асад БАЙРАМ (Македония)	
Бошим узра ёнган шам	30
Салим ТУРОН (Олмония)	
Болалик	30
Зайнал БЕКСОЧ (Косова)	
Азалдан бери	31
Ўроз ЁҒМУР (Туркменистон)	
Қардошлик дунёмизда	31
Тайбех	
Савоб ишнинг кўпи ҳам оз	31
Минтақа	
Саид Ҳусайн ПОШШО	
Иқтисодиётнинг жон томири	32

Тафсири

Абу Мансур Муҳаммад МОТУРУДИЙ

АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИДАН
УМИД УЗМАНГЛАР

4

Агар катта гуноҳ қилган бўлсаларинг ҳам, фарғара ҳолига тушишдан олдин чин тавба қилиб, гуноҳдан қайтсаларинг, тавбаларинг қабул бўлади.

Мусулмон одоби

Ўролбек МУСТАНОВ

ҚАЧОН, ҚАНЧА, ҚАНДАЙ
УХЛАШ КЕРАК?

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): "Юзтубан ётган кишини кўрганларида, уни уйқудан ўйғотиб: "Бу ишқмасларнинг ётишидир. Юзини ерга қилиб ётган кишига Аллоҳнинг ғазаби бўлади", деганлар. Ўнг ёни билан ётиб, ўнг қўл кафтини юз остига қўйиб ухлаш яхшидир. Чунки Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳам шу тарзда ухлаганлар.

12

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Қанд касалига қарши

Тиббиёт доктори Моха Тайсир Баракот айтишича, Қанд касалига қарши кураш халқаро федерацияси ҳозир жаҳонда икки юз саксон беш миллион киши ушбу касалликка чалинганини маълум қилган. У аҳоли қанд касалига кўп чалинишининг асосий сабаби ўртачадан кўп овқат еган ҳолда, камҳаракатли ҳаёт кечириш эканини алоҳида таъкидлади.

21

Ибратли ҳикоялар

Жалолиддин РУМИЙ

МИСРДАГИ ХАЗИНА

Инсон табиати қизиқ. Баъзан у хом хаёллар ортидан қувлаб, ўзини чарчатади. Баъзилар қўлидаги имконият, уйи ичидаги хазинадан хабарсиз, диёрма-диёр кезишади, аниқроғи, сарсону саргардон юришади. Мавлоно Румий хазина излаб ҳолдан тойган одамни бундай гапиртиради: "Хазина излаб, силлам қуриди-ю, хазина ўз ўйимда эканидан хабарим йўқ. Чунки зулматда, ғафлат пардаси ортида қолибман".

28



Абу Мансур Муҳаммад МОТУРУДИЙ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

«Ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга: "Аллоҳнинг раҳматидан умид узманглар, Аллоҳ барча гуноҳларни, албатта, кечиради. Зеро, У кечирувчи ва меҳрибондир", деб айтинг» (Зумар, 53).

قُلْ يٰعِبَادِىَ الَّذِيْنَ اَسْرَفُوْا عَلٰى اَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوْا
مِنْ رَّحْمَةِ اللّٰهِ ۚ اِنَّ اللّٰهَ يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ جَمِيْعًا
ۗ اِنَّهٗ هُوَ الْغَفُوْرُ الرَّحِيْمُ ﴿٥٣﴾

АЛЛОҲНИНГ РАҲМАТИДАН УМИД УЗМАНГЛАР

Бу ояти кариманинг тушиш сабаби ҳақида муфассирлар бир неча хил фикр билдиришган. Улардан бири бундай: Жоҳилият паллаларида зино, рибо каби катта гуноҳлар қилган, одамлар тавбаларимиз қабул бўлмади, деб кўрқисар эди. Аллоҳ таоло уларни тавбага чақириб, бу ояти каримани туширди. Бу оят билан уларнинг тавбаларини қабул этишини ва гуноҳларидан ўтишини маълум қилди.

Ҳазрати Али (Аллоҳ рози бўлсин): "Бу оят Куръони каримдаги энг умидбахш оятдир", деганлар.

Муфассирлар бу ояти каримани икки хил тафсир қилишган.


Биринчиси: "Ўз жонларига жиноят қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманглар! Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлишингиз ва бошқаларни умидсиз қилишингиз катта гуноҳдир. Аллоҳ гуноҳлардан тавба қилганларни, албатта, кечиради".

Иккинчиси: Агар катта гуноҳ қилган бўлсаларинг ҳам, фарғара ҳолига тушишдан олдин чин тавба қилиб, гуноҳдан қайтсаларинг, тавбаларинг қабул бўлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳ)ни кечирмагай ва (лекин) яна шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур» (Нисо, 48).

Уламолар: Агар банда чин тавба қилиб, гуноҳлардан тийилса, Аллоҳ таоло унинг ўтган барча гуноҳларини кечиради, деб ижмоъ қилишган.



Аmmo хорижийлар¹: "Катта гуноҳларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолога ширк келтиришдир. Ким катта гуноҳ қилса, Аллоҳ таолога ширк келтирган ҳисобланади", деб даъво қилишади.

Биз уларга: Сизлар катта гуноҳ қилган киши ширк келтирган бўлади, дейсизлар. Ҳолбуки, сизлар эътибор қилган бу маъно кичик гуноҳларда ҳам

бор. Модомики, кичик гуноҳ ширк бўлмас экан, катта гуноҳ қилган ҳам куфр келтирган ҳисобланмайди, деб айтамыз.

Мўтазилийлар² эса бу масалада: "Катта гуноҳ қилувчилар имондан чиқади, лекин бу ишлари куфрга кирмайди", деб хатога кетишади.

Имом Мотурудий эса: "Бизнинг наздимизда, Аллоҳ таоло мўминларга ширкдан бошқа гуноҳларнинг кечирилиши мумкинлигига умид берган. Ихтиёр Аллоҳ таолонинг ўзида, хоҳласа, азоблайди, хоҳласа, кечиради. Шу боис ширкдан бошқа гуноҳлар учун мағфиратдан умидвор бўлиш ақлан жоиздир", дейди.

Аллоҳ таоло истаса, бандасининг ҳамма гуноҳларини кечиради. Чунки У кечирувчи ва меҳрибондир.

Тошкент Ислам университети магистранти

Бадриддин РАҲИМОВ

"Таввилоту аҳли сунна"

тафсири асосида тайёрлади.

¹ Хорижийлар - милодий VII аср иккинчи ярмида пайдо бўлган адашган тоифа.

² Мўтазилийлар - милодий VIII аср ўрталарида пайдо бўлган адашган тоифа.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ОДИМЛАРИ

Тошкент Ислам университети кафедра мудури, иқтисод фанлари доктори
Абдували ИСАЖОНОВ билан суҳбат

— *Куни кеча мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигини нишонладик. Бу қисқа вақт ичида юртимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Домла, иқтисоддаги ютуқларимиз сабаблари ҳақида тўхталсангиз.*

— 2008 йили жаҳонда бошланган молиявий инқироз кўп мамлакатлар иқтисодига сезиларли таъсир қилди. Юртимизда инқирознинг олдини олиш учун вақтида тегишли чоралар кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида инқироз таъсирини юмшатишга доир тадбирлар таҳлил этилган. Яна, кейинги ўн йил ичида тадбиркорларга эътиборнинг ортиши, уларни қўллаб-қувватлаш, солиқ тўловларидаги имтиёзлар ҳам иқтисодимизнинг ўсишига сабаб бўлди. Айниқса, кичик тадбиркорликни ривожлантириш, хом-ашё базасидан тўғри ва унумли фойдаланишга катта аҳамият берилди. Барча соҳалардаги каби иқтисодиётда ҳам қонунларимизнинг устуворлиги ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтишимизга қўл келди. Ҳозир жойларда эришилган ютуқларни таҳлил этиб, айрим хато ва камчиликларни тuzатишга доир кўрсатма ва йўл-йўриқлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йили иқтисодиётимизга киритилган жами сармоя миқдори 2008 йилдагига нисбатан йигирма беш фоиз юқори бўлиб, унинг олтимиз саккиз фоизини чет эл сармоядорларининг маблағлари ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткич саноат маҳсулотларида ўн икки, умумий маҳсулотлар миқдорида эса саккиз фоизга ўсди. Ўзбекистон бир юз қирқдан ортиқ мамлакатга маҳсулот чиқаришга эришди. Инқироз шароити юртимизда кузатилган бу ижобий ҳолатни Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа ташкилотлар вакиллари ўрганишиб, миллий иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг беш тамо-

йилига асосланган “Ўзбек модели”га юқори баҳо беришди.

— *Навоий вилояти эркин иқтисодий ҳудудга айлантирилиши муҳим тарихий воқеа. Ушбу ҳудуднинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлади? Қолаверса, чет эллик ишбилармонларда Ўзбекистонга қизиқиш кучайишининг сабаблари нимада?*

— 2008 йилнинг декабр ойида Юртбошимиз томонидан «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий ҳудуд ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Навоий тоғ металлургия комбинати, “Қизилқумцемент”, “Навоийазот”, “Электрохимия” каби йирик заводлар ушбу ҳудудда жойлашган. Шунингдек, “Навоий” халқаро қўналғаси, темирйўл бекати, катта автйўллар, юқори кучли электр узатгичлар, юқори босимли сув тақсимлаш ва газ қувурларининг бу жойга яқинлиги ҳам қулайлик туғдиради. Қолаверса, ҳудудга чегарадош Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳам заҳираларга бой.

Асосий мақсад Навоий вилоятига чет эл сармоясини, энг замонавий технологияларни жалб этиш, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Ўтган қисқа вақт ичида чет элликлар билан ҳамкорлик сезиларли кенгайди. Чет эл тадбиркорларига божхона тўловларида, ижара, виза олиш, валюта алмаштириш ва ишчи ёллашда бир қанча қулайликлар берилган. Масалан, сармоядорлар уч миллиондан ўн миллионгача евро киритишса, етти йилгача, ўн миллиондан ўттиз миллионгача евро киритишса, ўн йилгача (беш йил даромад ва ягона солиқ тўловининг эллик фоизидан) ўттиз миллион евродан ортиқ сармоя киритишса, ўн беш йилгача (ўн йил даромад ва ягона солиқ тўловининг эллик фоизидан) ер, мулк, йўл ва мактаб таълими жамғармаларига тўловлардан озод бўлишади.

Юртимиз тинчлиги, халқимизнинг интеллектуал салоҳияти, самимийлиги ҳам чет эл сармояларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Натижда иқтисодиётимизнинг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва четга экспорт қилиш имконияти кенгайди. Ҳозир Хитой, Малайзия, Курия, Россия, АҚШ, Япония, Олмония каби ривожланган мамлакатларнинг катта-катта ширкатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Абдувоҳид ЎРОЗОВ
суҳбатлашди.

ЯХШИ ГАП, ҚЎШНИЛАР ВА МЕҲМОНЛАРНИ ҲУРМАТЛАШ ИМОНДАНДИР

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳга ва охира- т кунига имон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин. Ким Аллоҳга ва охира- т кунига имон келтирган бўлса, қўшнисини ҳурматласин. Ким Аллоҳга ва охира- т кунига имон келтирган бўлса, меҳ- монини ҳурматласин”, деганлар» (*Бухорий ва Муслим*).

Ўзаро муносабатларда сўзнинг ўрни му- ҳимлигини Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча ҳадисларида таъкидлаганлар. Анасдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Банданинг қалби тўғри бўлмагунича имони дуруст бўлмайди. Унинг тили тўғри бўлмагунича қалби тўғри бўлмайди», деганлар (*Имом Аҳмад*).

Киши айтар гапи яхши, савобли бўлса гапирсин, ёмонликни қўзғайдиган бўлса, жим тургани маъқул. Фойдасиз сўзларни гапириш яхши амаллар савобини кетка-

зади. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу): «Кимнинг гапи кўпайса, айби кўпаяди. Кимнинг айби кўпайса, гуноҳи кўпаяди. Кимнинг гуноҳи кўпайса, дўзах унга муносиб бўлади», деганлар.

Инсон дои- мо ҳақни гапи- риши, яхшили- ка чақириб, ёмонликдан қайтариши ке- рак. Бу улуг хислатлардандир. Ҳақни айтмай, жим ту- рувчи соқов шайтон кабидир.

Қўшнилар билан чиройли муносабатда бўлиб, доимо уларга яхшилиқ қилиш ки- шининг имони бутлиги белгисидир. Ойша онамиздан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинади:

«Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга Жаброил (алайҳиссалом) қўшнига яхшилиқ қилишни жуда кўп тав- сия қилди, ҳатто қўшним меросхўрим бўлса керак, деб ўйладим”, деганлар» (*Имом Бухорий*).

Қўшнига озор бермаслик, хурсандчили- гига шерик бўлиш, ёрдамга муҳтож бўлса, кўмак бериш, совға улашиш қўшнилик ҳақларидандир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳга қасам, мўмин бўлмай- ди! Аллоҳга қасам, мўмин бўлмайди! Ал- лоҳга қасам, мўмин бўлмайди!» дедилар. Саҳобалар “Ким?” деб сўрашди. Расулul- лоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қўшниси унинг ёмонлигидан омонда бўлмаган киши», дедилар (*Имом Бухорий*).

Бошқа бир ҳадисда: “Уйингизга келган





меҳмонни ҳур-
мат қилинг, меҳ-
монга ҳурмат
Аллоҳ таолога
имонингиз ва та-
ваккулингиз да-
лилидир”, де-
йилган. Меҳмон-
га очиқ юз билан
қараш, яхши
сўзларни айтиш
ва борини дас-
турхонга қўйиш
уни ҳурматлаш
ҳисобланади.

Меҳмон ҳам
мезбонни қийин
аҳволга солиб
қўймаслиги ке-
рак. Меҳмонлик
кўпи билан уч
кун бўлади.

Пайғамбари-
миз (соллаллоху
алайҳи ва сал-
лам): «Мусулмон
кишига бирода-
рининг уйида
уни гуноҳга со-
либ қўйгунича ту-
риш ҳалол бўл-
майди», деди-
лар. Саҳобалар:
«Уни гуноҳга со-
либ қўйиши қан-
дай бўлади?»
дейишди. Расу-
луллоҳ: (соллал-
лоху алайҳи ва
саллам) «Меҳ-
мон қилишга уй
эгасининг ҳеч
нарсаси қолма-
гунича меҳмон
бўлиши», деди-
лар (Абу Шу-
райх).

Фарҳод ЖҶРАЕВ,
Тошкент Ислам
институтини
ўқитувчиси

Қуръони каримнинг Анкабут сурасида Нух, Шуайб, Солиҳ, Лут, Мусо (алайҳимуссалом) қавмлари, шунингдек, Фиръавн билан Ҳомоннинг аянчли оқибат топганлари зикр қилинади. Улар Аллоҳ таолодан юз ўгиришгани, юборилган пайғамбарларни (алайҳимуссалом) ёлғончига чиқаришгани боис турли азобларга гирифтор бўлишган.

сиз ҳаёт билан азоблайди. «Биз (уларнинг) ҳар бирини ўз гуноҳи билан тутдик...» (Анкабут, 40); «...Сўнгра гуноҳлари туфайли уларни ҳалок қилдик...» (Анъом, 6).

Гуноҳлар, ёмонликлар боис бундай жазолаш Аллоҳ таолонинг ўзгармас қонунидир. Гуноҳ барча ёмонликларнинг сабабчиси, тавба ва истиғфор барча яхшиликларнинг йўлидир. Агар банда амр ва

БАЛОГА САБАБ ГУНОҲЛАРДИР

Бу ҳодисалар ҳақида Анкабут сурасининг 40-оятисида бундай дейилади: «Биз (уларнинг) ҳар бирини ўз гуноҳи билан тутдик. Бас, уларнинг орасида Биз устига тош ёғдирганлар ҳам, улар орасида даҳшатли қичқирик тутганлар ҳам, улар орасида Биз ерга юттирганлар ва улар орасида Биз (сўвга) чўктирган кимсалар ҳам бордир. Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, лекин улар ўзларига зулм қилувчи бўлдилар».

Аллоҳ таоло ўша қавмларни фақат бир сабаб — гуноҳлари ва куфрони неъмат келтиришлари сабабидан азобга дучор қилди. Аллоҳ таоло Од ва Самуд қабилаларини даҳшатли қичқирик, Нух қавми ва Фиръавнни фарқ қилиш, Қорунни ерга юттириш каби азоблар билан жазолади.

Аллоҳ таоло амрига бўйсунмаслик, ёмон ишлар қилиш фақат азобланишга боис бўлмай, инсонни буткул бахтсиз бўлиб қолишга олиб боради. Аллоҳ таоло бандаларини гуноҳлари сабабли бахт-

қайтариқларга бўйсуниб, яхшилик йўлини тутса, Аллоҳ таоло унга барча яхшиликларни ато этади.



«Агарда (ўша) юртларнинг аҳолиси имон келтирган ва тақво қилганларида эди, улар устига осмонлар ва ердан баракотлар (эшиқлари)ни очиб юборган бўлур эдик...» (Аъроф, 96).

Бу масала хусусида Ҳазрати Алининг (розийаллоху анху): «Қандай бало келган бўлса, фақат гуноҳ ва ёмонлик сабабидан тушган. Қайси азоб кўтарилган бўлса, тавба орқали кўтарилган» деб айтгани ривоят қилинади.

Юлдуз КОМИЛ қизи
тайёрлади.



Абдурахмон РАЪФАТ ПОШО

Машҳур саҳобалардан Муоз ибн Жабал ибн Амр Ансорий Хазражий Жашмийнинг (розийаллоҳу анҳу) куняси “Абу Абдурахмон” эди, милодий 602 йили Ясрибда туғилди. Ислонинг буюк фақиҳларидан бўлиб етишди. Расулulloҳ (алайҳиссалом) ҳаёт пайтларида Куръони каримни тўплаб ёд олган бахтиёр зотлардан эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Куръонни Муоз ибн Жабалдан олинглар», деганлар. Расулulloҳ Жабални Яманга қози этиб тайинлаганлар. Чиройли хулқи, саховати билан танилди. Сарвари коинотдан (алайҳиссалом) 157 та ҳадис ривоят қилган.

МУОЗ ИБН ЖАБАЛ

Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ясрибга кўчиб келганларидан кейин Муоз у зотдан бир қадам ҳам узоқлашолмай қолди. Куръон ўқишни, дин илмларини Сарвари оламнинг ўзларидан ўрганди ва саҳобалар орасида Куръони каримни энг яхши тиловат қилувчи ва Ислом фикҳини энг яхши билувчи бўлиб етишди.

Язид ибн Кутайб ҳикоя қилади: «Хумс (Шом)-даги масжидга кирсам, одамлар сочлари жинглак бир киши атрофида тўпланиб ўтиришибди. У чиройли сўзлар, худди илоҳий каломни тиловат қилаётганга ўхшарди. Мен: «Бу йигит ким?» деб сўрадим. «Муоз ибн Жабал», дейишди».

Муоз ибн Жабалдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен уловда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ортларидан мингашиб олган эдим. У киши билан орамизда фақат эгарнинг орт қисми бор эди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Муоз, Аллоҳнинг бандалардаги ҳақини ва бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақини биласми?” дедилар. Мен: “Аллоҳ ва Унинг расули билувчидир”, дедим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳнинг бандалардаги ҳақи уларнинг Аллоҳгагина қул-

лик қилишлари, Унга бирор нарсани шерик қилмасликларидир. Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳақи эса, Ўзига бирор нарсани шерик қилмаган кишини азобламаслигидир”, дедилар. Мен: “Ё Расулulloҳ, одамларга буни айтaveraйми?” дедим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уларга айтма, бунга суяниб қолишади”, дедилар» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти, «Мишкатул масобих»*).

Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муоз билан бир уловга мингашиб кетаётган эдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Муоз”, дедилар. У: “Лаббай, ё Расулulloҳ”, деди. ...Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бир банда Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, албатта Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг қули ва расули эканига сидқидилдан иқрор бўлса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади”, дедилар. Муоз: “Эй Аллоҳнинг расули, бу ҳақда одамларга айтмайми, улар хурсанд бўлишади”, деганида, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бунинг хабарини берсанг, унга суяниб қолишади (амал қилмай кўйишади)”, дедилар. Олдинига Муоз индамай юрди, лекин вафоти яқинлашганида илмни яшириб гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрқиб, одамларга айтди» (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти, «Риёзус солиҳин»*).

Муоз ибн Жабалдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Мен: «Эй Расулulloҳ, менга шундай бир амални айтинг, у жаннатга киритсин ва дўзахдан узоқлаштирсин», дедим. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дарҳақиқат, катта иш ҳақида сўрадинг, аслида бу Аллоҳ осон қилганга осондир. Бу — Аллоҳга қуллик қилиш, Унга бирор нарсани шерик қилмаслик, ибодатни адо этиш, закотни бериш, рамазон рўзасини тутиш ва ҳаж қилиш», дедилар. Сўнг яна: «Сенга яхшиликларни айтмайми? Рўза қалқондир, садақа худди сув оловни ўчирганидек хатоларни ўчиради», дедилар. Сўнг тиловат қилиб: «Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан узоқ бўлур»



оятини «Ўтган амаллари» гача ўқидилар-да, яна: «Сени ишларнинг бошига, устунига ва энг юксагига далолат қилайми?» дедилар. Мен: «Ҳа, далолат қилинг, эй Расулуллоҳ», дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ишнинг боши – имон-эътиқод, устун – ибодат ва юксаги – жидду жаҳддир», дедилар. Сўнг яна: «Сенга буларнинг барчасини мустаҳкамлайдиган асос хабарини берайми?» дедилар. Мен: «Ҳа, хабарини беринг, эй Расулуллоҳ», дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тилларини ушлаб: «Мана буни тий», дедилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг пайғамбари, гапирган нарсаларимиз сабабидан ҳам ҳисоб-китоб қилинамизми?» дедим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Муоз, одамларнинг дўзахга юзтубан ёки бурунлари билан йиқилишлари тиллари сабабидир», дедилар» (*Имом Аҳмад, Термизий ва Ибн Можа ривояти, «Мишкатул масобиҳ»*).

Муоз ибн Жабал бундай дейди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) менга ўнта калимани васият қилдилар: “(Ҳар қандай ҳолатда ҳам) ...Аллоҳга бирор нарсани шерик келтирма. Агар оилангу мол-дунёнгдан воз кечишни талаб қилишса ҳам, ота-онангга осий (оқ) бўлиб қолма. Фарз ибодатларни қасддан тарк қилма, ким Аллоҳ фарз қилиб қўйган ибодатни тарк қилса, шубҳасиз, у Аллоҳ паноҳидан узоқ бўлади. Ароқ ичма, зеро, у барча ёмонликлар бошидир. Гуноҳлардан сақлан, чунки гуноҳ сабабли Аллоҳнинг ғазаби тушади. Душманга қарши курашда ортга қочишдан сақлан. Агар одамларга ўлим (касаллик, вабо) етса ва сен улар ичида бўлсанг, ҳеч қачон чикма. Аҳли оилангга касб қилган молингдан нафақа қил ва уларга чиройли одоб бер”, дедилар».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муоз ибн Жабални (розийаллоҳу анҳу) Яманга юбораётганларида ундан: “Шаръий масалаларда нима билан ҳукм (фатво) қиласан?” деб сўрадилар. Ҳазрати Муоз: “Аллоҳнинг Китоби билан”, деб жавоб берди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Агар ундан тополмасанг-чи?” деб сўрадилар. Шунда Муоз (розийаллоҳу анҳу): “Аллоҳ расулининг (алайҳиссалом) суннатлари билан”, деб жавоб қилди. Расули акрам: “Ундан ҳам топа олмасанг-чи?” дедилар. Шунда Муоз (розийаллоҳу анҳу): “Ўз фикрим ва ақлим билан уринаман, бўш келмайман”, деди. Пайғамбар (алайҳиссалом) хурсанд бўлганларидан унинг кўксига уриб: “Аллоҳ расулининг вакилини Аллоҳ расулини рози қиладиган насага бошлаган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!” дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Абу Идрис Ҳавлонийдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. «Бир куни Дамашқ масжидига кирсам, тишлари оппоқ бир киши турибди. Атрофида одамлар ўтиришибди. Агар бирор масалада тортишиб қолишса, ўша кишига мурожаат

қилишарди. Бу одам нима деса, ўшани қабул этишарди. Шунда: “Бу одам ким?” деб сўрасам, “Муоз ибн Жабал”, дейишди. Эртаси кун вақт-лироқ масжидга келсам, Муоз мендан ҳам олдин келибди. Намоз ўқиётган экан. Намозни тугатишини кутиб турдим. Ўқиб бўлганида олд томонидан келиб, салом бердим ва: “Аллоҳга қасам, мен сизни яхши кўраман”, дедим. Муоз (розийаллоҳу анҳу): “Худо йўлида яхши кўрасанми?” деди. Мен: “Худо йўлида”, дедим. Муоз (розийаллоҳу анҳу) яна: «Аллоҳ йўлида яхши кўрасанми?» деди. Мен: «Аллоҳ йўлида», дедим. Шунда у зот кўйлагимнинг бир томонидан ушлаб ўзига тортди-да: “Хурсанд бўлавер, чунки мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Аллоҳ таоло айтди: “Менинг йўлимда бир-бирларини яхши кўрувчиларга, Менинг йўлимда (илм) мажлисида ўтирувчиларга, Менинг йўлимда бир-бирларини зиёрат қилувчиларга ҳамда Менинг йўлимда пулларини сарф этувчиларга муҳаббатим вожиб бўлди”, деганларини эшитганман”, деди» (*Имом Молик ривояти, «Муватто»*).

Ҳазрати Умар мўминлар амири этиб тайинланганида Муоз ибн Жабални Бани Килоб қабиласига закот йиғиш ва уни ҳақдорларга тақсимлаб бериш учун юборди. Муоз топширилган вазифани удралаб, эрталаб олиб кетган латгани бўйнига ўраганича уйига қайтиб келди. Шунда хотини:

– Фуқаролар одатда волийларга тортиқ қиладиган, волийлар эса уйига олиб келадиган ҳадялар қани? – деб қолди.

– Э, асло сўрама, ёнимда доим назоратчи юриб, ҳеч ҳадя олишга имкон бермади, – деди Муоз.

Хотини:

– Эсиз, Аллоҳнинг расули ва ҳазрати Абу Бакр сизни энг софдил одам ҳисоблашарди, булар дарров ортингиздан назоратчи қўйишибдида! – дея хитоб қилди.

Аёл кейинчалик бу ҳақда Ҳазрати Умарнинг хотинига шикоят қилди. Бундан Умар ибн Ҳаттоб (розийаллоҳу анҳу) хабар топгач, Муозни чақиртирдилар ва ундан:


– Қачон сени назорат қилиш учун ортингдан одам юбордим? – деб сўрадилар.

– Асло бундай бўлгани йўқ, мен аёлимни тинчлантириш учун бундан ўзга баҳона тополмадим...

Ҳазрати Умар кулиб юбордилар ва унга бир оз пул узатиб:

– Манавини хотинингга бериб, хотиржам қилиб қўй! – дедилар.

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади.



сулмонлари диния назорати асосчиси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Қози Асқар, Домла Икромча, Сулаймон Хўжа, домла Изомий, домла Қосим, Мухторжон Абдуллаев, Абдуғани Абдуллаев, Юсуфжон Шокиров ва бошқалар шу мадрасанинг талабалари бўлишган. Илм масканимизда қўшни Афғонистон, Эрон, Марказий Осиё мамлакатлари, Россия ва Хитойдан ҳам жуда кўп талабалар таҳсил олишган. Улар орасида замонасининг етук олимлари бўлиб етишганлари оз эмас. Равил Файнугдин (Россия), Аллоҳшукур Пошшо-зода (Озарбойжон), Талъат Тожддин (Бош-

МИР АРАБ МАДРАСАСИ

Мадрасамиз биносини милодий 1530–1536, ҳижрий 936–942 йиллари Бухоро амири Убайдуллоҳхон инъом этган маблағ ҳисобига шайх Мир Араб қурдирган. Халқ орасида «Мир Араб» номи билан машҳур бўлган бу олимнинг асл исми Саййид Абдуллоҳ Яманийдир. У йигирма икки ёшида илм излаб Самарқандга келади ва Хожа Аҳрор Валийга шогирд тушади. Хожа Аҳрор Валий вафотидан сўнг унинг ўғли Муҳаммад Бақр Саййид Абдуллоҳни Бухоро амири Убайдуллоҳхон билан таништиради. Тез орада у илм-маърифати билан эл орасида танилади, хурмат қозонади.

Мадраса қарийб беш асрдан буён Шарқу Фарбга илм нурини таратишга хизмат қилаётир. Фақат ўтган асрнинг 30-йилларида мадраса фаолияти бир неча йил тўхтатиб қўйилди. 1943 йилга келиб, собиқ Иттифокда ягона Ислом ўқув юрти сифатида яна иш бошлади.

Замонасининг етук олимларидан Миён Малик, у кишининг шогирди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон му-



қирдистон) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозир билим юртимизда юздан ортиқ талаба ўқийди. Уларга йигирма уч нафар ма-лакали мударрис ва ўқитувчи таълим-тарбия беради. Ўқиш муддати тўрт йил. Мадрасани битирувчиларга исломшунос, имом-хатиб ва араб тили ўқитувчиси мутахассислиги бўйича диплом берилади.

Ўқув дастури Давлат таълим стандарти талаблари асосида ташкил этилган. Талабалар Қуръони карим, ҳадис, фикҳ, Ислом тарихи, араб тили, сарф ва наҳв, шунингдек, она тили ва адабиёт, инглиз тили, физика-математика, жуғрофия, астрономия ҳамда информатика каби фанларни ўрганишади. За-





мон талабларига жавоб берадиган синфхоналар, интернетга уланган компьютер маркази талабалар хизматида.


Мадраса кутубхонасида

йигирма мингдан ортиқ китоб бор. Айниқса, кутубхонанинг нодир қўлёзмалар бўлимида сақланаётган манбалар маънавий меросимиз дурдоналари саналади.

Мадрасамизда талабчан ва фидойи устозлар кўп. Қобилжон Сиддиқов, Азизхўжа Иноятов, Жобир Элов, Асадулло Нажмидиновлар ана шундай тажрибали мударрислардан.

Талабаларнинг ҳунар эгаллашлари, соғлом ва бақувват бўлишларига ҳам жиддий эътибор берамиз. Улар дарсдан бўш вақтларида волейбол, футбол, стол тенниси ва бошқа тўғаракларга қатнашишади. Бўлак ўқув юртлари билан турли беллашувлар, танловлар ўтказилиши талабалар билим-кўникмаларини синашда қўл келмоқда.

Тошкент Ислом университети ва Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ва бошқа олий ўқув юртлари талабалари сафида йилдан-йилга мадрасамиз битирувчилари кўпайиб бораётгани биз устозлар учун шарафдир. Шу боис асл мақсадимиз – ёшларга соф исломий ақидадан, ҳанафий мазҳабимиз асосларидан пухта таълим бериш, динимизнинг чинакам инсоний ғояларини халқимизга етказа оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш йўлида астойдил ҳаракат қиляпмиз.



Муҳиддин НЎЪМОНОВ,
Мир Араб Ислом ўрта-махсус билим юрти мудир


МАДРАСА НОМИ ИМЛОСИ ҲАҚИДА

Бухородаги Мир Араб мадрасасининг номи турли нашрларда ҳар хил ёзилганини кўрамиз. Масалан, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг 5-жилдида *Мир Араб*, "Ислом" энциклопедиясида *"Мир Араб"*, "Книга жизни Садриддина Айни" китобида *Мир-Араб*, Садриддин Салим Бухорий тўплаган "Икки юз етмиш етти пир" китобида *Мири Араб*, Воҳид Абдуллаевнинг "Ўзбек адабиёти тарихи" асарининг 2-китобида *Мириараб*, Каттабеков ва бошқаларнинг 8-синф адабиёт дарслигида *Mirarab*, "Большая советская энциклопедия"нинг 15-жилдида *Мири-Араб*, шаклида ёзилган. Хўш, булардан қайси бири тўғри?

Маълумки, динимиз тарихида муҳим ўрин тутган бу илм маскани Убайдуллоҳхоннинг сафавийлар устидан ғалабаси, шунингдек, унинг устози, маънавий илҳомчиси Амир Саййид Абдуллоҳ шарафига қурилган. У Хожа Аҳрор Валийнинг яманлик шогирди бўлиб, лақаби "Мир Араб" дир.

Мир "амир"нинг қисқарган шакли сифатида ишлатилади (масалан, Мир Алишер Навоий), *араб* сўзи, миллат (халқ) маъносида келса, кичик ҳарф билан, исм, мамлакат (давлат) номи, яъни, атоқли от бўлиб келса, бош ҳарф билан, демак, ажратиб ёзилади (масалан, Ўзбек оғим, Араб Мўминов каби). Шу асосга кўра, мадраса номи *Мир Араб* тарзида ёзилса, тўғри бўлади (Мир Кулол каби). Бу хусусда соҳа мутахассислари, муҳтарам устозлар ҳам мулоҳазаларини айтишар деган умиддамиз.

Насруллоҳ ШУКРУЛЛОҲ ўғли,
Бухоро Давлат университети дотсенти,
педагогика фанлари номзоди



ҚАЧОН, ҚАНЧА, ҚАНДАЙ УХЛАШ КЕРАК?

Уйқу жисмоний ва ҳиссий қувватларнинг маълум вақт ором олишидир. Ухлаш сабабли аъзолар турли чиқиндилардан тозаланади, хужайралар янгиланади.

Ҳар бир нарсанинг одоби бўлганидек, уйқунинг ҳам одоби бор. Ухламоқчи бўлган одам энг олдин Аллоҳ таоло буюрган яхши ва эзгу амалларга куч тўплашни ният қилади. Ётиш олдидан дарвоза-эшиклар беркитилади, сув идишлари ва озиқ-овқатлар усти ёпиб қўйилади, чироқлар ва ёниб турган олов бўлса, ўчирилади. Таҳорат олиб, тишларни мисвок ёки тиш чўткасида тозалаб, сўнг уйқуга ётилади. Ҳадисда: «Кўлларида овқат юки билан ётиб, ухлаган одамга бирор касаллик етса, ўзидан кўрсин», дейилган. Киши тўшакка ётаётганида кўрпани ва уйқу кийимларини қоқиб ташлаши керак. Ухлашдан олдин ўқиш тавсия этилган оят ва дуоларни такрорлаб, ўзига дам солиб ётиш хотиржамлик бағишлайди. Бир уйда ёлғиз ухламаслик, ётганида қиблага ёки муқаддас китоблар турган томонга оёқ узатмаслик керак.

Кўп ухлаш соғлиққа зарар, юзни сарғайтиради ва кишини ланж, ҳафсаласиз қилиб қўяди. Бир кеча-кундузда беш соатдан саккиз соатгача ухлаш етарли. Чунки донишмандлар кўп гапириш, кўп ейиш қатори кўп ухлашни ҳам ёмон санашган. Ҳадисда: «Тонгда ухлаш ризқни камайтиради», дейилган. Қуёшнинг чиқиш ва ботиш пайтларида, қорин жуда тўқлигида ёки очлигида ухлаш ҳам соғлиққа зарар. Ошқозон ишлашда давом этса, инсон ухлаб дам ололмайди ва ҳолсиз бўлиб уйғонади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бир ҳадисларида: «Ким аср намозидан кейин ухласа, ақлдан озиб, жинни бўлади. Шундан сўнг бошқани маломат қилмасин», деганлар (Абу Яъло).

Абдуллоҳ ибн Аббос (Аллоҳ рози бўлсин)

бундай деганлар: «Уйқу уч хил – табиий, фазилатли ва фойдасиз бўлади. Табиий уйқу тун пайтидагиси, фазилатлиси чошгоҳ уйқуси, фойдасиз эса, куннинг охиридаги уй-

қудир. Бу пайтда фақат аҳмоқ, маст ёки касал киши ухлайди».

Юзтубан ёки чалқанча ётиш тарбиясизлар одати саналади. Ҳалимийнинг «Минҳаж» китобида аёлларнинг чалқанча ётиб ухлашлари макруҳ дейилган. Ибн Сино ёзишича, чалқанча ётиб ушлаш кишида сакта, фалаж, босинқираш касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Юзтубан ётган кишини кўрганларида, уни уйқудан ўйғотиб: «Бу ишёқ-масларнинг ётишидир. Юзини ерга қилиб ётган кишига Аллоҳнинг ғазаби бўлади», деганлар. Ўнг ёни билан ётиб, ўнг қўл кафтини юз остига қўйиб ухлаш яхшидир. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳам шу тарзда ухлаганлар. Қолаверса, тиббиёт мутахассислари бундай ухлашда тана аъзоларининг ишлаши, модда алмашинуви яхшиланишини исботлашган. Баъзи табиблар чап ённи босиб ётишни тавсия қилишди. Чунки бундай ётиш овқат ҳазмини осонлаштиради. Айримлар озгина вақт ўнг тараф билан, сўнг чап тарафга ағдарилиб ётишни яхши санашган.

Ибн Жавзий «Тиб» китобида: «Ёз кунлари қуёш нури остида ухлаш эски касалликларни кўзғайди. Ой нури остида ухлаш инсон рангини сарғайтиради ва бош оғриғига сабаб бўлади», деб ёзади.

Куннинг биринчи ярмида бир-икки соат ухлаб олинса, одам кун бўйи енгил юради. Бу «қайлула» дейилади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Қайлула қилинлар, чунки Шайтон қайлула қилмайди. Қайлула заволдан олдин бўлади», деганлар (Анас ибн Молик).

Очиқ жойларда, далада ухлаганида ўзини турли зарарли ҳашарот ва ҳайвонлардан ҳимоялашга ҳаракат қилиш ҳам ухлаш одобида киради. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Ким усти ёпилмаган очиқ жойда ухлаб ўлса, айбни ўзидан кўрсин», деганлар.

Аллоҳ таоло тунларимизни тинч, уйқуларимизни фойдали қилсин.

*«Аршифу мултақо аҳлул ҳадис» ва
«Уммул жин ва шайатин»
китоблари асосида*

**Ўролбек
МУСТАНОВ**
тайёрлади.



Ҳар гал қишлоғимга отлансам, тоза ҳаволари, ўйноқи сойлари, меҳрибон одамларини соғинганимни ҳис этаман. Китоб туманидаги сўлим Хўжаиспароз қишлоғи киндик қоним тўкилган жой. Қишлоғимиз ўртасидан улкан Оқсув дарёси оқиб ўтади. Дарё яқинида эса қишлоғимиз фахри – Шайх Шамсиддин Кулол зиёратгоҳи бор. Зиёратга борсам, кекса отахонлар суҳбатини олмай кетмайман. Улар эртаю кеч ёшу қарини дуо қилиб, зиёратчиларга қишлоғимиз, Шайх Шамсиддин Ку-

У зот ёш Баҳоуддин Нақшбандга устозлик қилиб, ўн йилдан ортиқ таълим беради. 1362 йили Шайх Шамсиддин Кулол вафот этганидан сўнг Саййид Амир Кулол 1370 йили силсилани давом эттиришни Баҳоуддин Нақшбандга топширади. Шайх Шамсиддиндан уч фарзанд – шайх Нажмиддин, шайх Насриддин ва шайх Умар қолган. Улар ҳам етук олим бўлиб етишишгани манбалардан маълум.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида бундай

ШАЙХ ШАМСИДДИН КУЛОЛ

лол ҳазратлари ҳақида гапириб беришади. Қизиқиб кулоқ соламан. Бир гал ҳожи Азамат ота XIII асрда

дейлади: “Хожа Шайх Шамсиддин 1290 йили Хезанда туғилиб, 1362 йили Асфароз (ҳозирги Қашқадарё вилояти Китоб тумани Хўжаиспароз) қишлоғида вафот этди. У киши оталари улуғ Шайх Хўжожийдан дарс олган. Ҳақ ишқига ғарқ бўлган, илму маърифатда етук, инсонларга меҳр-шафқатли Шайх Шамсиддин деҳқончилик ва эскидўзлик билан шуғулланган. Шайх Шамсиддин Кулол Бухорода Саййид Амир Кулолдан сабоқ олган эди. Амир Темур Шайх Шамсиддин Кулол зиёратгоҳининг шарқий томонида катта хонақоҳ, мадраса ва миноралар қурдиради. Тут дарахтлари эктириб, Асфароз қишлоғини обод қилади”.

Бу каби маълумотларни ўқир эканман, ҳозир ҳам кўр тўкиб турган хонақоҳни, неча асрларга гувоҳ бешта улкан тут дарахтини кўриб, олис тарих кўз олдимдан ўтгандек бўлади. Ҳозир айрим тутларнинг танасига саккиз кишининг қулочи аранг етади.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк зотлар тарихини ўрганишни ва келгуси авлодларга етказишни миллат фарзандларининг бурчи деб биламан.

Алишер МУҲАММАДИЕВ,
Тошкент Ислоҳ университети
талабаси



ҚАДР КЕЧАСИНИ КУТИШ

Кўпгина жоме масжидларимизда рамазон ойининг 26-кечасидан 27-кунига ўтар кечасида Қадр кечаси нишонланди. Куръони карим хатмлари баракотидан, Қадр кечасининг шарофатидан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги учун эзгу дуолар қилинди. Тадбирлар аҳил-иноқлик, тоат-ибодат билан ўтказилди.

СИРДАРЁ САФАРИ

Тўртинчи сентабр куни Сирдарё вилояти ҳокимлигида миллий қадриятларимизни бойитиш ва ёшлар маънавиятини янада юксалтиришга бағишланган тадбир ўтказилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов тадбирда иштирок этиш учун Гулистон шаҳрида бўлдилар. Сафарда муфтий ҳазратларига Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи Ортиқбек Юсупов ва идора масжидлар бўлими мудири Муҳаммадназар Қаюмовлар йўлдош бўлишди. Тадбирни “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда ўтказишди.

Абдувоҳид НУРУЛЛОҲ ўғли



Кулол ҳазратларининг хизматларини гапириб берди.

Кейинчалик ҳам бу улуғ аждодимиз ҳақида кўп ривоятлар эшитдим. Қизиқишим ортиб, тарихий манбаларни кўздан кечирдим. Шайх Шамсиддин Кулолни одамлар “Кутби абдол” деб улуғлашганини, у зот соҳибқирон Амир Темурнинг устози бўлганини билдим. Шайх ҳазратлари Мовароуннаҳр ва Хуросон халқини мўғул босқинчиларидан озод этишда, маҳаллий халқларни бирлаштиришда катта хизматлар қилган. Шунингдек, Амир Темурнинг жасоратли, шижоатли, мард саркарда бўлишида Шамсиддин Кулол ўғитларининг таъсири катта бўлди. Хуллас, Шайх Шамсиддин Кулол юрт равнақи, эл маърифати йўлида тиним билмаган.

Кўпинча катталар орасида болаларга пул бериш-бермаслик масаласида турли тортишувлар бўлиб туради. Кимдир пул бериш керак деса бошқаси, йўқ, бу иш бола тарбиясини бузади, деб ҳисоблайди. Хуллас, бу борада ҳам ҳар бир кишининг ўз фикр-мулоҳазалари бор. Қуйида айрим ота-оналар ва ўқитувчиларнинг шу хусусдаги фикрлари билан танишасиз.


БОЛАЛАР ВА ПУЛ

Муқаддас Мамадалиева, бошланғич синф ўқитувчиси:

– Пул фарзанд тарбиясини бузади деб ҳисоблайман. Бола мактабга йўл чиптаси билан қатнасин. Кундалик овқатини эса онаси тайёрлаб берсин. Боланинг қўлига пул тушса, унда ҳар хил кераксиз ҳой-ҳаваслар уйғонади. Айниқса, компьютер-интернет ўйинлари, телефонда беҳуда гаплашиш, бир-бирига хабар жўнатиш – буларнинг бари пулсиз бўлмайди. Ҳар бир “5” баҳога минг сўм бераман, дея фарзандини ўқишга қизиқтирадиган ота-оналар учраб туради. Бу ишлари, менимча, тўғри эмас. Чунки боланинг ўй-фикри фақат ўша минг сўмни олишда бўлади. Ялинса ҳам, бировдан кўчирса ҳам, “5” баҳо олса бас! Бундай болалар кундан-кун пулни яхши кўриб боришаётганини ўзлари ҳам, ота-оналари ҳам сезмай қолишади.

Ойниса Акбарова, уй бекаси:

– Мен бу фикрга унча қўшилмайман. Бола, ҳарқалай, меҳнатига яраша пул топяпти. Яна ўқиши ҳам яхшиланяпти. Болаларга шунчаки берилган пулдан кўра бирор шарт билан берилгани яхшироқ. Чунки ўзи “ишлаб” то-



паётган пулни қадрлайди, худа-беҳудага сарфламайди. Болага оз-оздан пул бериб, мустақил ишлатишга ўргатиб борилмаса, бу ҳол катта бўлганида ҳам мустақил фикрлашига ҳалал беради. Иложи бўлса, катталар бозор-ўчарга фарзандини бирга олиб бориб, қўлига ҳамён беришлари, пулни қандай тежаб сарфлашни ўргатишлари керак.

Орифжон Тўйчиев, ўқитувчи:

– Аслида бу масалани бир қолипга солиб, ҳал қилиш қийин. Болаларнинг ёшига, феъл-атворига қараб, пул бериш-бермаслик ҳақида ўйлангани тўғрироқ. Боланинг ҳам (улғайган сари, айниқса, ўсмир ёшида) ўзига хос сарф-харажатлари бўлади. Агар қўлида пули бўлмаса, бола тенгдошлари орасида ўзини заиф, камситилган ҳисоблайди. Феъл-атвори ювошроқ болалар бун-

дай жараёнда бир оз “синиқиб” қолишлари мумкин. Феъли тез, қайсарроқ болалар эса ота-онасининг чўнтагига “тушиш”ни одат қилишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Бир ўқувчимнинг онаси айтган сўзларни мисол қилиб келтирмам:

“Тарбияси бузилишидан кўрқиб, ўсмир ёшига етгач, боламызга умуман пул бермай кўйдик. Лекин кўп ўтмай, дадасининг чўнтагидан, менинг сумкамдан пул йўқола бошлади. Сўрасак, ўғлимиз “олмадим” деб тонади. Ахийри пойлаб, “ўғрини” ушладик. Гумонимиз тўғри чиқди. Сўроққа тутганимизда: “Ўзингиз пул бермасангиз, мен нима қилай, кўчадагилардан ўғирлайми?” деди йиғлаб. Шунда хато қилганимизни англадик. Унга пул бердик ва вақти-вақти билан нимага сарфлаганини ҳам суриштирадиган бўлдик.

Шухрат Насимов, республика Маънавият ва тарғибот маркази бўлим мудир:

– Баъзи болалар табиатида қайтарилган нарсаларга интилиш кучли бўлади. Пул масаласида ҳам худди шундай. Болалар пулдан кўрқадиган ёки ҳазар қиладиган бўлиб улғайишмасин. Аксинча, ҳалол йўл билан топил-

ган пулда барака борлигини билишсин. Бунинг учун эса энг олдин ўғил-қизларимизга пул ҳақида тўғри тушунча беришимиз керак. Нима деб айтсак ҳам, қандай таъриф берсак ҳам, пул ҳаётимизда катта ўрин тутди. Унинг қийматини англаш эса тўғри яшашимизда ёрдам беради. Болалар ва пул масаласига маънавий тарбиянинг асосий йўналишларидан бири деб қараган ота-она кейин афсусланиб қолмайди.

Бу борада айтилган ҳар бир фикрда жон бор. Динимиз ҳар ишнинг ўртачаси яхши бўлишини билдиради. Ота-оналар болаларига пул беришда ҳам ўлчовга амал қилишлари керак. Болага бериладиган пул керакли ўринга ишлатилса, яхши. Аммо, аксинча, пул болаларимизни қиморнинг кўринишларидан бўлган турли ўйинларга овора қилса ёки китоб ўқишдан чалғитиб, қимматли вақтини беҳуда совуришига сабаб бўлса, оқибати жуда ёмон. Яхшиси, болаларимизни хунар ўрганиб, меҳнат қилиб, ҳалол пул топишга одатлантирайлик. Шунда улар пулнинг қадрига етишади. Бировга қарам бўлишмайди. Кейинчалик оила қуришганида ҳам касб-хунар уларга асқотади.

Муҳаммад СИДДИҚ
тайёрлади.



БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



Савол: Баъзан қабристонга борганимизда қабрларни босиб юрганларни кўраемиз. Қабрларни босиш гуноҳ эмасми? (Сурхондарё вилояти "Сафар" жомеъ масжиди).

Ўликни кўмиш учун ёки зиёратга келганлар атрофдаги қабрлар устини босмасликлари, топтамасликлари керак. Қабрларни босиш, уларнинг устига ўтириш гуноҳдир. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: "Сизлардан бирор кишининг қабр устига ўтирганидан кўра, чўғнинг устига ўтириб, кийимини куйдиргани ва кийими куйиб, баданига ёпишиб қолгани яхшироқдир"» (Имом Муслим ривояти).

Савол: Жин инсонларга қайси ҳолларда озор беради? (Қашқадарё вилояти "Шайх Собир" жомеъ масжиди).

Шайх Абу Бакр Жазоирий айтади: «Аллоҳ таоло инсоннинг ҳимоясига вакил қилган фаришталар бўлмаганида, жин ва шайтонларнинг ёмонлигидан ҳеч бир инсон омон қолмасди. Зеро, жинлар,

шайтонлар инсон кўзига кўринмайди. Гоҳида одам ўзи билмаган ҳолда уларга озор бериб қўяди. Масалан, устидан қайноқ сув сепиб юборади, маконига ҳожат чиқаради. Шундай ҳолатларда жинлар ҳам ўзларига озор берганлардан ўч олишади».

Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: "Хуфтонда идишларнинг устини ёпиб, мешлар оғзини боғлаб, эшикларни тамбалаб ва болаларингизни (уйда маҳкам) ушлаб ўтиринг, чунки (шу вақтда) жинлар атрофга тарқалишади..."» (Бухорий ривояти).

Жинлардан сақланиш йўли доимо ҳушёр, эҳтиётли бўлишдир. Улар кўпинча шомдан кейин, яъни, қоронғу тушаётган маҳалда изғиб юришади.

Умуман, жинлар:


— қоронғи, пана-пастқам, ташландиқ, овлоқ-қаровсиз ҳудудларда;

— нажас тўпланадиган, ахлат уюмлари қалашиб ётган жойларда кўп учрайди.

Шунинг учун шомдан кейин, қоронғи тушгач, заруратсиз кўчада юриш яхши эмас.

«Сўраган эдингиз»,
2008 йил, 2-китоб.

МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ



Жуғрофий ўрни. Марказий Африка Республикаси (МАР) Африка қитъаси марказида жойлашган, ғарбда Камерун, шимолда Чад, шарқда Судан ва жанубда ҳар икки Конго давлати билан ҳам чегарадош.

Тарихи. МАРнинг қадимий тарихи етарлича ўрганилмаган. Бир вақтлар бу ерда пигмейлар яшагани ҳақида маълумотлар бор. Кейинроқ бошқа қоратанли қабилалар ҳам яшашган. Ўн олтинчи-ўн саккизинчи асрларда бу ерларга атроф ўлкалардан қулдорлар тез-тез ўралашиб



Майдони: 622, 4 минг кв. км.
Аҳолиси: 3,6 миллион киши (2001).

Пойтахти: Банге шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Маъмурий тузилиши: 16 префектурадан ташкил топган.
Йирик шаҳарлари: Берберати, Босангоа, Бамбари.
Пул бирлиги: африка франки.

юрар, Чад кўли бўйидаги му- сулмон мамлакатлардан ҳам қулдорлар келишар эди. Одам савдоси касрига маҳаллий аҳоли сони кескин камайиб кетди, бутун-бутун туманлар ҳувиллаб қолди. Ўн тўққизинчи асрда ҳозирги МАР ҳудудининг шимол-ғарбий қисми Багирма ва Вадаи давлатларининг таркибига, аср охирига келиб эса, Раббах давлати таркибига кирди. 1900 йили МАР Франциянинг Убанги-Шари-Чад мустамлака- сига, кейинроқ Франция Эква- ториял Африкасига қўшилди. 1914 йили Убанги-Шари (ҳозирги МАР) Чаддан ажратилди. 1958 йили Убанги-Шари Франция Ҳамжамияти таркиби- даги мухтор рес- публика деб эъ- лон қилинди ва

Марказий Афри- ка Республикаси номини олди. 1960 йил 13 ав- густ кун МАР миллий муста- қилликка эриш- ди. МАРда 1966 йили ҳарбий тўн- тариш содир эти-



либ, полковник Жан Бедел Бо- касса президент бўлди. 1976 йили у ўзини император деб эълон қилди. 1979 йилги тўн- тариш натижасида император ағдариб ташланди, мамлакат яна республика деб эълон қилинди. 1981 йили МАРда навбатдаги ҳарбий тўнтариш рўй берди. 1993 йил 22 август ва 19 сентябрда

бўлиб ўтган умумий сайловларда Марказий Африка халқи озодлиги учун ҳаракат партиясининг раҳбари Анж-Феликс Патассе олти йил муддатга президент этиб сайланди. Янги конституция қабул қилинди, фуқаролар ҳукумати ишлай бошлади. МАР 1960 йилнинг сентябридан БМТ аъзоси.

Иқтисоди. МАР — иқтисоди заиф аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, балиқчилик соҳалари беради, ўн фоизигина саноат ва кончилик ҳиссасига тўғри келади. Ишга яроқли аҳолининг саксон беш фоизи қишлоқ хўжалигида банд. Асосий озиқ-овқат экинлари: маниок, тариқ, оқжўхори, маккажўхори, шоли, банан, дуккаклилар. Четга пахта, кофе, шунингдек, ерёнғоқ, кунжут, мойли палма, гевея, тамаки чиқарилади. Чорвачиликда қорамол, қўй, эчки боқилади.

Саноатида кончилик асосий ўрин тутади: олмос, олтин ва уран қазиб олинади. Саноати қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган майда корхоналар (пахта ва кофе тозалаш, ёғ-мой, ун, сут-пишлоқ заводлари)дан иборат. Тўқимачилик, кўн-пойаб-

зал, буюёқ фабрикалари, гишт-фаянс, кислород, тахта тилиш заводлари ҳам бор.

МАР четга олмос, пахта, кофе, ёғоч ҳам чиқаради. Четдан машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва ёнилғи келтиради. Савдо-сотиқдаги асосий шериклари: Франция, Бенилюкс мамлакатлари, Япония, Олмония, Италия, Испания, Конго.

Маданияти. МАР ҳудудида қадимий масжидлар ва арабча услубдаги уйлар сақланиб қолган. Одатда халқнинг турар жойлари доирасимон ёки тўртбурчак шаклда, гуваладан ва синчли қилиб, томи жуда тик нишабли тарзда қурилади. Ўн тўққизинчи асрдан оврупча иморатлар ҳам қурила бошлади. Амалий санъат турларидан ёғоч ўймакорлиги, тўқувчилик, кулоллик, метал ва фил суягидан узук, маржон шодалари, билагозуклар яшаш ривожланган. Палма япроқлари, похол ва ўтдан сават, бордон, қалпоқ, сумкалар тўқилади. Буқа ва тимсоҳ терисидан халтача, картмон, китоб

муқовалари ясалади. Хунармандлар мактаби ташкил топган. Халқ маросимлари хор бўлиб айтиладиган қўшиқлар ва ниқоб кийиб ижро этиладиган оммавий рақслар билан ўтади. Яккахон бахшилар тарихий дostonлар, масаллар, ҳикоятлар ва ишқий қўшиқларни ижро этишади.

Аҳолиси. Аҳолининг кўп қисмини санго тили шеваларида сўзлашувчи банда, гбайя, нгбанди, занде халқлари ташкил этишади. Мамлакат жанубида банту тили оиласига мансуб халқлар (азанде, нгири, мака ва бошқалар) яшайди. Шунингдек, пигмей қабилалари, шимолда эса Судан араблари ҳам бор. Мамлакатнинг расмий тили — франсуз тили.

Дини. Аҳолининг кўп қисми маҳаллий-тарихий ақидаларга эътиқод қилади, йигирма беш фоизи протестант, яна шунчаси католик, ўн беш фоизи мусулмонлардир. Мусулмонлар асосан мамлакат шимолида, Чад билан чегарадош минтақаларда яшашади. Улар ихтиёрида ўнлаб масжид ва битта мактаб-мадраса бор. Диний адабиётлар фаранг тилида сўзлашувчи қўшни мамлакатлардан келтирилади. Мамлакат Асосий Қонунида виждон эркинлиги кўзда тутилган. Барча диний ташкилотлар мамлакат Ички ишлар вазирлигида рўйхатдан ўтгач, иш юрита бошлашади.

Шаҳризод НАСРУЛЛАЕВ, Шерзод ШАРИПОВ,

Тошкент Давлат шарқшунослик
институтини талабалари

Манбалар:

1. «Страны мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 422-425.
2. «Атлас мира», справочник. Москва, 2003 г. стр. 68-69.
3. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 5-том, Тошкент, 2003 йил.
4. Интернет сайтлари.



АБДУЛҲАМИД ИБН ҲУМАЙД КЕШИЙ

Мовароуннахрда тафсир ва ҳадис илмларини кенг ёйган биринчи аллома Абдулҳамид Кеший 786 (ҳижрий 170) йили Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да туғилган.¹ Муфассирнинг тўлиқ исми Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср абу Муҳаммаддир. Баъзи тарихий асарларда “Кашший”, “Кеший” нисбалари ва “Соҳибут тафсирил кабир”, “Ҳофизул ҳадис”, “Соҳибул муснадил кабир” ҳамда “Ал-Имом”, “Ал-Ҳофиз” унвонлари билан ҳам келтирилади. Отаси Ҳумайд ибн Наср ҳам етук олим бўлган. Муҳаммад ибн Абдулҳамид бобоси ҳақида: “Бобом Ҳумайд ибн Наср араб тили, аруз, назм ва бошқа илмларда етук эдилар. Қуръони каримни чиройли ўқирдилар... хатм қилардилар”,² деб ёзади.

Абдулҳамид бошланғич таълимни отасидан, сўнг Кеш, Самарқанд ва Бухоро олимларидан олди. Кейин Бағдод, Басра, Куфа, Шом, Найсобур, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларни кезиб, илм ўрганди. Тез орада тафсир, ҳадис ва фикҳда етук олим бўлиб етишди. Бу пайтда олимга Язид ибн Ҳорун, Яҳё ибн Одам, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Абу Довуд Тайлосий, Назр ибн Шомил Марвазий, Абу Волид Тайлосий, Абу Али Ҳанафий, Абдурахмон ибн Абдуллоҳ Даштакий, Умар ибн Юнус Ямаий, Ал-Воқидий каби фақиҳ ва муҳаддислар устозлик қилишди.

Абдулҳамид Кеший зарурий илмларни пухта эгаллаб, ҳанафий мазҳабининг Мовароуннахрда кенг ёйилишига катта ҳисса қўшди. Замондошларидан бири Кутайба ибн Саъд: “Термизда Аҳмад ибн Ҳасан, Кешда Абд ибн Ҳумайд, Самарқандда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ва Шошда Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг суҳбатларини тингламасдан қайтманглар”,³ дер экан.

Абдулҳамид Кеший икки юздан ортиқ жойга сафар қилган. Илм йўлида чеккан машаққатларини эслаб: “Мен сафарга чиққан пайтларим...

Сахрою даштларни кезиб чиқсам-да, ташналикдан сув ичмадим ва чанқоқлик нималигини сезмадим”⁴ деган. Имом Бухорий аллома ҳақида: “Абдулҳамид ибн Ҳумайд Муслим ибн Ҳажжонинг шайхларидандир”, деб ёзади.

Ватандошимизнинг “Тафсиру Абд ибн Ҳумайд” (Абд ибн Ҳумайд тафсири), “Муснаду Абд ибн Ҳумайд” (Абд ибн Ҳумайднинг муснади), “Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кеший” (Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг учта адабий асари), “Китобул Ансоб” (Насаблар китоби), “Ат-Тасарруф” (Сийғалаш), “Китаб алал хуруф вал муъжам” ва “Китаб фаъалту ва афъалту” каби асарлари маш-

хур. “Китаб алал хуруф вал муъжам”, “Ат-Тасарруф” ва “Китаб фаъалту ва афъалту” асарларида араб тили қоидалари кенг шарҳлангани қайд этилади.⁵

Олимнинг “Тафсиру Абд ибн Ҳумайд” ва “Муснаду Абд ибн Ҳумайд” асарлари бизгача етиб келган.

Бу китоблар Исломоламида ноёб манба-

лардан ҳисобланади. Имом Шавканий “Фатхул қодир”⁶ номли тафсирида 698 ўринда, Абу Жаъфар Табарий “Тафсирут Табарий”ининг⁷ 45 жойида “Тафсиру Абд ибн Ҳумайд”дан иқтибослар келтиради. Ушбу китоб 2004 йили “Дор ибн Ҳазм” босмахонасида “Қитъату мин тафсир ал-имом Абд ибн Ҳумайд” (Имом Абд ибн Ҳумайднинг тафсиридан бир бўлим) номи билан нашр этилди. Асарга Оли Имрон ва Нисо сураларининг тафсири, муаллиф ҳақида маълумотлар киритилган. “Муснад” асаридан сайланма ҳадислар 1988 йили “Ал-Мунтахаб мин Муснад Абд ибн Ҳумайд” (Абд ибн Ҳумайднинг Муснадидан сайланмалар) номида Қоҳирада чоп этилган. “Муснад”да жами 1599 та ҳадис бўлиб, уларни 57 нафар машхур саҳоба ривоят қилган.⁸

Шамсуддин Заҳабий “Улуғ кишилар тарихи” асарида Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Муслим Абдулҳамид Кешийга (Аллоҳ раҳмат



қилсин) шогирд бўлиб, у зотдан ҳадислар ривоят қилишганини ёзади.⁹ Имом Муслимнинг “Саҳиҳ”ида 138 та, Имом Термизийнинг “Сунан”ида 152 та ҳадис Абдулҳамид Кешийдан (*Аллоҳ раҳмат қилсин*) ривоят қилинганининг ўзиёқ бу фикрнинг тасдиғидир.

Муфассир кўплаб шогирдлар тайёрлаган, улардан Абу Саъд Бакр ибн Мирзабоний, Нуҳ ибн Жаноҳ Можармий, Наср ибн Сайёр Довудий, Умар Можармий, Собир ибн Мутаваккил Можармий, Шуайб Можармийларни санаб ўтиш мумкин.

Абдулҳамид ибн Ҳумайд Кеший етмиш етти ёшида Кеш шаҳрида милодий 863 (ҳижрий 249) йили рамазон ойининг йигирманчи куни вафот этади.¹⁰

Шукрулло УМАРОВ,

Имом Бухорий халқаро маркази манбашунослик бўлими бошлиғи

¹ Исмоил Фақирий. “Баёзи Фақирий”. Т.: “Адолат”, 2004. 3-б.

² Нажмиддин Насафий. “Алқанд фи зикри уламои Самарқанд”. Т. “ЎЗМЭ”. 2001. 113-б.

³ Абу Бакр Муҳаммад Боғдодий. “Ат-Тақийд лил-маърифати равотис сунани вал асонид”. 1-ж. “Ал-Мактабат аш-шомила” (эл. кутубхона).

⁴ Ўша манба. 1-ж. “Ал-Мактабат аш-шомила” (эл. кутубхона).

⁵ Ибн Кифтий. “Инбахур руват ала анбахун нухат”. 3-ж. 4-б., “Қоҳира” 1950.

⁶ Имом Шавканий. “Фатхулқодир”. 8-жуз. “Ал-Мактабат аш-шомила” (эл. кутубхона).

⁷ Муҳаммад ибн Жарир. “Тафсиру Табарий”. 24 жуз. “Ал-Мактабат аш-шомила” (эл. кутубхона).

⁸ Абд ибн Ҳумайд Кеший. “Муснади Абд ибн Ҳумайд”. “Ал-Мактабат аш-шомила” (эл. кутубхона).

⁹ Шамсуддин Заҳабий. “Сийар аълом ан-нубало”. Байрут. 1302 ҳ. 12-ж. 235-б.

¹⁰ Нажмиддин Насафий. “Алқанд фий зикри уламои Самарқанд”. Т. “ЎЗМЭ”. 2001. 112-б.

Инсон умри яхши-ёмон воқеа-ҳодисаларга тўла. Бу ҳодисаларнинг баъзилари тезда унутилиб кетади, баъзилари эса умрбод ёддан чиқмайди. Ҳар гал “Ҳазрати Имом” мажмуасига йўлим тушса, бир воқеани эслаيمان.

1982 йил эди. Советларнинг динга қарши сиёсати айнаи авж олган вақтлар. Мен Қибрай туманидаги “Ботаника” сиҳатгоҳида бош шифокор бўлиб ишлардим. Рамазоннинг сўнгги кунлари хонамга икки отахон кириб келди. Иккови ҳам ик-

ди. Мен унамадим. Агар одамларга яхшилик қилиш айб бўлса, ишдан кетганим маъқул, дедим. Шунда улар яна қиблага юзланиб, кўзларида ёш билан ҳаққимга дуо қилишди.

— Аллоҳ таоло сени паноҳида асрасин, — деб қайта-қайта такрорлашди.

Туман фирқа кўмитасида ушбу масала кўриладиган бўлди. Котиб меҳнат дафтарчамга советлар сиёсатига қарши борганим тўғрисида айбнома ёзили-

ХАЙРЛИ ХАЙФСАН

кинчи жаҳон уруши қатнашчиси, бири ногирон.

— Шу десанг, болам, кўпчилик номидан сенга бир илтимосимиз бор, — дея гап бошлашди улар. — Ҳайит намозини Ҳастимом масжидида ўқимоқчийдик, ёрдам қилгин.

Отахонларнинг раъйини қайтаролмай, бир иложи топилишини айтдим. Улар ўн етти киши экан. Эртасига барини тўплаб, айнаи ҳайит куни тонг саҳар, автобусда Тошкентга “сайёҳатга” боришларини айтдим. Намоз тўғрисида ҳеч кимга гапирмаймиз деб келишиб олдик. Хуллас, ўша куни отахонларнинг муроди ҳосил бўлди. Қайтиб келишгач, тўғри хонамга кириб, мени дуо қилишди.

Аммо шу куни тушга қолмай, бу “саёҳат” хабари юқори ташкилотларга етиб борибди. Ишдан ҳайдалишим аниқ. Нима қиларимни билмай, бошим қотиб турган эди хонамга яна ҳалиги икки отахон кириб келди.

— Бизни деб шу аҳволга тушдинг, болам, энди сенга ёрдам қилишимиз керак. Хоҳласанг, марказга бориб, сенинг ёнингни оламиз, — дея далда бўлиш-

ши ва ишдан кетишимни айтди. Фирқа раҳбари номига бўлиб ўтган ишлар ҳақида тушунтириш хати ёзишимни буюрди. Қўлимда тушунтириш хати билан айтилган хонага кирдим.



Раҳбар мени кўрди-ю, қалби юмшади шекилли, “Бу ҳали ёш “кадр” экан, оғзаки хайфсан эълон қилинлар” деди. Шунда ихтиёрсиз тўлқинланиб кетдим. Чунки бир оз олдин кекса отахонларнинг чин кўнгилдан қилган дуолари ижобат бўлган эди.

Ўша хайфсанни сира эсдан чиқармайман. Чунки у мен учун биринчи ва охириги — “хайрли хайфсан” эди.

Жамол ЖАМИЛОВ,
меҳнат фахрийи

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Етти йилдан сўнг очилган музей



Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида энг йирик исломий санъат музейи етти йил давом этган таъмирлашдан сўнг қайта иш бошлади. Музейнинг XX аср

бошларида қурилган биносини таъмирлаш ишлари 2003 йили бошланган эди. Очилиш маросимида мамлакат президенти Хусни Муборак иштирок этди.

Мутахассислар айтишича, ушбу музей захираларида юз мингдан ортиқ санъат намуналари сақланади. Ҳозир улардан икки юз элликтаси томошага қўйилган. Улар орасида Каъба эшигининг олтин калити, қадимшунослар шу пайтгача топишган энг кўҳна динор танга (милодий 697 йили зарб қилинган) каби ноёб осори атиқалар бор.

Мароқаш масжидлари



Мароқашда зилзиладан хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги боис бир минг икки юз эллик олти-та масжид биносини таъмирлаш режаси тузилди. Бу

масжидлардан беш юзтаси буткул бузилиб, қайта қурилади. Шу йил феврал ойида Макнес шаҳрида эски масжид минораси қулаб тушганидан сўнг Мароқаш қироли Муҳаммад Олтинчи мамлакатдаги барча масжид бинолари ҳолатини ўрганиб, хавфсизлик талабларига жавоб бериш-бермаслиги тўғрисида

аниқ хулосалар тайёрлашга фармон берган эди.

Дин ишлари вазирлиги хабарига кўра, масжидларни таъмирлаш учун уч юз йигирма уч миллион дўллар маблағ ажратилган.

Хаттотлик ўқув курслари

Чикаго шаҳридаги Ислом ўрта-маҳсус таълим муассасасида икки ойлик хаттотлик ўқув курслари очилди. Ўқитувчилар ўқувчиларга араб хуснихати турлари орасидан йирик, ёрқин ҳарфлар билан бир оз қия қилиб ёзиладиган "сулс" услубини ўргатадиган бўлишди. Бу хуснихат услуби милодий ўн биринчи асрда пайдо бўлган. Масжидларнинг деворлари, пештоқлардаги ёзувлар асосан шу услубда битилган.



Шунингдек, талабаларга ҳозирги замон араб ёзуви услубларини мумтоз хаттотлик намуналари билан қиёслаш, уларнинг ўзаро мос келиш-келмаслигини солиштириш ҳам ўргатилади.

Киночиларнинг халқаро анжумани

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида мусулмон киночиларининг VI халқаро анжумани бўлиб ўтди. "Маданиятлар мулоқоти орқали мулоқот маданияти сари"



шиори остида ўтган анжуманда олтмишдан ортиқ мамлакат санъатчилари иштирок этиш-

ди. Ушбу санъат байрамидан кўзланган асосий мақсад жаҳон ҳамжамиятида Ислом дини ва мусулмонлар ҳақида тўғри тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

Анжуман доирасида махсус ҳайъат танлаб олган умуминсоний, маънавий-ахлоқий, маданий анъаналарни, тинчликсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи саксондан ортиқ филм намоиши қилинди.

Тадбиркорлар уюшмаси анжумани



Яқинда Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо мамлакатлар тадбиркорлари уюшмасининг биринчи анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда ИКТга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари, сармоя ётқизишни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Эслатиб ўтамиз, ИКТ тадбиркорлар уюшмаси ушбу ташкилот савдо-саноат палатасининг бўлинмаси ҳисобланади. Уюшмага Ислом олами мамлакатларидан минг нафардан ортиқ тадбиркор аъзо бўлган.

Қанд касалига қарши



Бирлашган Араб Амирликларида қанд касалига чалинганлар саломатлигини тиклашга йўналтирилган алоҳида спорт тадбирлари режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Тиббиёт доктори Моха Тайсир Баракот айтишича, Қанд касалига қарши кураш халқаро федерацияси ҳозир жаҳонда икки юз саксон беш миллион киши ушбу касалликка чалинганини маълум қилган. Ҳафақонга чалинганлар сони энг кўп бўлган саккиз мамлакатдан бештаси Форс кўрфази давлатларидир.

Моха Тайсир Баракот аҳоли қанд касалига кўп чалинишининг асосий сабаби ўртачадан кўп овқат еган ҳолда, камҳаракатли ҳаёт кечириш эканини алоҳида таъкидлади.

Халқ кўшиқлари танлови

Чувашистон Республикаси Урмаево қишлоғида минтақалараро халқ кўшиқлари танлови ўтказилди. Ушбу тадбирни ўтказишдан Россиядаги камсонли мусулмон халқлар ўртасида маданий алоқаларни ривожлантириш, уларнинг миллий анъана, урф-одатларини сақлаб қолиш мақсади кўзланди.



Чувашистон Республикаси татар миллий-маданият маркази, "Комсомол" тумани ҳокимияти, Урмаево қишлоғи маъмурияти ушбу санъат анжуманининг ташкилотчилари бўлишди.

Ҳарбий ҳаракатлар якунланди

АҚШ президенти Барак Обама Ироқда ҳарбий ҳаракатлар якунланганини маълум қилди. Унинг айтишича, бундай якун фақат ироқликлар эмас, балки АҚШ манфаатларига ҳам мос.




2008 йил ноябрда имзоланган битимга кўра, юз мингга яқин АҚШ аскарлари, минглаб ҳарбий техника Ироқдан олиб чиқилди. Шунга қарамай, яна эллик минг ҳарбий хизматчи 2012 йилгача Ироқда қолиб, мамлакатда хавфсизлик ишларига кўмаклашади. АҚШ президенти иложи борича тезроқ Ироқда янги ҳукуматни шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Яқин Шарқда тинчлик учун

АҚШ президентининг таклифига кўра, Миср, Ўрдун, Исроил ва Фаластин раҳбарлари Оқ уйда учрашишди. Учрашув қатнашчилари Яқин Шарқ минтақасида тинчликка эришиш чоралари ҳақида гапиришди.

Барак Обама, ушбу музокаралар жараённинг барча иштирокчиларига очиқ-ойдиндир ва



умумий ҳисобланади, дея таъкидлади. Музокараларда АҚШ давлат котибаси Хиллари Клинтон яраштирувчи сифатида қатнашди.

Москвада халқаро танлов бўлади



Шу йил 24 октябр куни Москва шаҳрида XI халқаро Куръон ҳофизлари кўрик-танлови ўтказиладиган бўлди. Ташкилотчилар айтишича, ушбу танловга бундан буён ЮНЕСКО ҳомийлик қилади. «Мазкур танлов ўн йиллик тарихга эга бўлиб, Россия жамиятини исломий анъаналар билан таништиришнинг ажралмас бир қисмидир», - дейилади матбуот хабарларида.

Францияда китоб байрамлари



Хабарларга кўра, ушбу мамлакатда Ислом динимизга доир китобларга талаб ўтган йилдагига нисбатан

сезиларли ортган. Яқинда мамлакатдаги бир юз элликдан ортиқ йирик дўконларда кенгқамровли китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Кўргазмаларда Мусхафлар, франсузча ҳадис тўпламлари ва бошқа ранг-баранг мавзудаги китоблар намойиш этилди.

ҚЎШНИЛАР БИЛАН ТАНИШДИМ

Яқинда қишлоқдан онам меҳмон бўлиб келди. Уйимиз файзга тўлди. Онам билан суҳбатлашиб ўтирарканман, ташқарида карнай садолари янграй бошлади.

– Нима бўляпти? – деб сўради онам.

– Тўй шекилли. Бир-икки кундан бери иккинчи қаватдаги қўшнимизнинг уйи гавжумлашиб қолди.

– Сизларни тўйга айтишмадими? – дея ҳайрон бўлди онам.

– Бу ер шаҳар, биров бировни танимади.

– Қўшнилари билан ҳалиям танишмасмисан?

– Янги кўчиб келганмиз ахир.

– Кўчиб келганига бир ярим ойдан ошди-ку...

Кечки пайт онам ҳай-ҳайлашимга қарамай, ўзи ош пиширди. Косаларга солиб, қўшнилари билан улаша бошлади. Бу ишларидан кўнгли ҳузур туяр экан, менга қўшничилик бурчимни, яъни, қозонимда қайнаган овқатда қўшнимнинг ҳақи борлигини эслатди.

“Узоқдаги қариндошлардан яқиндаги қўшнилари билан яхши”, деди онам.

Ростдан ҳам, яхши-ёмон кунларда энг олдин қўшнилари билан асқотади. Суннатга,

бу эзгу амалга амал қилмай қўйганим учун ўзимдан ранжидим. Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшни ҳақида жуда катта эътибор қилганлар. Ҳатто ўзларига ёмонлик қилган қўшнилари билан ҳолидан ҳам хабардор бўлиб турганлар.

Бугун баъзилар ён қўшнисини танимади. Қўшни ҳақи тўғрисидаги ҳадисларни такрор-такрор ўқиймиз-у, аммо амал қилишга шошилмаймиз. Бундай ҳол ўзбекчиликка, мусулмонликка ёт ҳисобланади. “Мусулмон мусулмоннинг кўзгусидир” (*Табароний*), дейилади ҳадиси шарифда. Дастурхон устида ўтирганимизда, ёнимиздаги ночор, бева-бечора, бетоб ётган ёки ҳар куни саломлашиб турадиган қўшнилари билан ҳақи ёдимиздан кўтарилмасин. Уларни йўқлаш, ҳол сўраш билан меҳр-муҳаббат ипларини мустаҳкамлайлик.

Нигора МИРЗАЕВА



Айрим илмсиз, тилига эътиборсиз кишилар “Фолга ишонма, фолсиз ҳам юрма” каби хато гапларни тарқатишади. Ақидаси бўш бундай кишиларнинг сафсаталари динга ҳам, жамиятга ҳам зарарлидир. Имони заиф одамлар бирор мусибат етса, фолчиларга зир югуришади. Фолчилар эса фақат тилда яхши сўзларни қалаштириб, содда одамлар ишончига кириб, оғир гуноҳга қўл уришаётганини билишмайди. Аллоҳ таоло: **“Эй мўминлар, арок, кимор, бутлар ва чўплар** (яъни, чўплар билан фолбинлик қилиш) **шайтон**

ни тасдиқлаган одамнинг диндан чиқиш эҳтимоли бор. Ҳазрати Али (Аллоҳ рози бўлсин): “Фолчи сеҳргардир, сеҳргарлик эса куфр ишдир”, деганлар.

Фолчилар эшигида нажот излаб, соатлаб сарғайиб турган айрим кишилар оғир гуноҳ сотиб олишаётганини билишармикан?

Қуръони каримда: «(У Зот) **гайбни билгувчидир. Бас, Ўз гайбидан бирон кимсани огоҳ қилмас, фақат Ўзи рози бўлган пайғамбарларнигина** (Ўзининг гайбидаги сир-асрорнинг айримларидан огоҳ этар)»,

ФОЛЧИЛИК КАТТА ГУНОҲ

амалларидан бўлган ҳаром (этилган, ёмон) **ишдир**”, дея огоҳлантиради (Моида, 90). Демак, фол қаттиқ қораланган катта гуноҳдир.

Жоҳилият даврида фол очтириш одатий ҳолга айланган эди. Баъзилар ёнларида олиб юрадиган учта бир хил: бирида “қилгин”, бирида “қилмагин” маъноли белгилари бор, учинчисига ҳеч нарса ёзилмаган чўплари билан фол кўриб кетаверишган. Афсус, бундай чиркин иллатнинг асоратларини ҳозир ҳам баъзи кимсаларда кўриб қоламиз.

Ойша онамиздан (Аллоҳ рози бўлсин) ривоят қилинади: «Одамлар Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фолчилар ҳақида сўрашди. У зот: “Фолчилар ҳақ эмаслар”, дедилар. Шунда сўровчилар: “Ё Расулуллоҳ, аҳён-аҳёнда уларнинг гаплари тўғри чиқади-ку?” дейишди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Жин бир ҳақ гапни эшитиб, фолчиларга етказди. Улар эса юздан ортиқ ёлғонни аралаштириб айтишади”, дедилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Яна бир ҳадисда: “Ким фолчидан бирор нарса ҳақида сўраса, унинг қирқ кечалик намози қабул қилинмайди”, дейилган (Имом Муслим, Имом Аҳмад ривояти).

Гайбни билиш Аллоҳ таолога хос илмдир. Бандаларнинг бу ишга уринишлари яхшиликдан эмас. Фол очиш ҳам, очтириш ҳам ширкка тенглаштирилган. Имом Аҳмад (Аллоҳ раҳмат қилсин) Абу Хурайрадан (Аллоҳ рози бўлсин) ривоят қилган ҳадисда: “Ким башоратчи ёки фолчига борса ва гапларига ишонса, Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туширилган нарса (Қуръон)ни инкор этибди”, дейилади. Демак, фолчи айтгани-

дейилган (Жин, 26–27). Оятда пайғамбарлар ҳам гайбдан хабардор қилинмагани, фақат баъзи сирларгина билдирилгани таъкидланади. Умар ибн Хаттоб (Аллоҳ рози бўлсин) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қуруқлик ва денгизда йўл топадиган миқдорда юлдузлар илмини ўрганинг, қолганидан ўзингизни тийинг”, деганлар. Қуръони карим ой ва қуёшнинг айланиши ҳисоб-китобли эканидан хабар беради. Шу боис қуруқлик ва денгизда йўл топиш, намоз, рўза, ҳаж каби ибодатлар вақтини белгилашда ва деҳқончилик ишларида осмон ёриткичларининг жойлашуви, ҳаракатига қараб аниқлик киритилади.

Ожиз бандамиз, мабодо Аллоҳ таолонинг синови келса, фолчиларга чопмайлик. Аллоҳ таоло синов-мусибатларга сабр қилганларга улуғ ажр-мукофотлар беришини унутмайлик, азизлар.

Дилором ҒОЗИЕВА,

«Хадичаи Кубро» аёл-қизлар Ислому ўрта-махсус билим юрти мударрисаси



Ўктам ЙЎЛДОШ

Истиқлолдан янғроқ сўзимни топдим!

Унгутда*

Маърифат йўлида қирқ йил тер тўкдим,
Дилларга яхшилиқ уруғин экдим...
Алданган авлоднинг бириман, аммо
Замонлар маддоҳи бўлмадим асло!

Минг тўққиз юз тўқсон биринчи тонгда
Истиқлол инқилоб ясади онгда!
Олтмишдан ошганда кетдим яшариб,
Етмишда фахр-ла мен кўкрак кериб.

Ҳатто дилим қилди севги ихтиёр,
Ҳаёт ишқи билан юрак бахтиёр!
Шоир айтганидек, ўзимни топдим,
Бетакрор, оташин сўзимни топдим!



Сочим толасидек шогирдларим кўп —
Ассалом, деб ўтар йўлларда тўп-тўп.
Гўзал маънавият — бойлигим маним,
Эъзоз осмонида ойлигим маним!

Олисни кўзловчи зўр кўз — бургутда,
Мендан бадавлатроқ ким бор Унгутда?
Илм билан, дўстлар, ўзимни топдим,
Истиқлолдан янғроқ сўзимни топдим!



Рубоийлар

* * *

Оқил ўз ютуғин кўпники санар,
Бахил уни кўриб ҳасадда ёнар.
Худбин, шуҳратпараст бўлса ким, бир кун
Боши тошга тегиб, сўнг бурни қонар.

*Унгут — қишлоқ номи

* * *

Мурувватталабга қил мурувватинг,
Хурмат кўрсатганга бўлсин ҳурматинг!
Ҳимматда Ҳотамга етмасанг етма,
Кимсага бўлмасин зарра миннатинг.

* * *

Дўстдан жудо этган сана ёмондир,
Яхшини унутмоқ яна ёмондир.
Бировга озгина наф етказиб, сўнг
Ортидан қилинган таъна ёмондир.

Андижон



Илёс ЮНУСОВ

Тошкентим, онам

Эй азим, хур шаҳрим, Шарқнинг маёғи,
Илму фан, маърифат, санъат ўчоғи.
Мафтункор кўчалар, хиёбон-боғлар
Асир этар, бешак кўнгилни чоғлар,
Тошкентим, онам.

Сен менинг Ватаним, чаманим, боғим,
Ёшлигим, шодлигим, суянар тоғим.
Ўзинг кўксимдаги қувончим, оҳим,
Дуру марваридлар ичра дурдонам,
Тошкентим, онам.

Юпун келса, суйиб сарпо кийдирган,
Оч келганнинг қорнин нонга тўйдирган.
Зиё истаганга маърифат берган,
Барчага баробар, меҳри яғонам,
Тошкентим, онам.




Пишиқчилик палласи

Яна шўх сой, анҳорларда
Олмалар оққанин кўрдим.
Бобоқуёш жилва билан
Юртимга боққанин кўрдим.
Қиз-жувонлар сирғасига
Кўздир ёқут олучалар.
Мевалари шигил пишган
Ўрикзор боғларни кўрдим.



Боғбонларнинг кулиб турган
Чехрасида завқ-иштиёқ.
Ой нурида гилос шохи
Ёниб турган минг бир чироқ.
Шабнам қўнган шафтолилар
Елка тутар тонг нурига.
Бодрингпалак узра ўйнар
Майин сабо, майин титроқ.



Бир-бирига қўл узатиб
Ёнбошлайди ҳандалаклар,
Янги мавсум, нарх-наводан
Гап бошлайди ҳандалаклар.
Полизларда, боғ-роғларда
Ҳар кун қизир ёзги гурунг,
Бободехқон пайкалини
Энди ҳар бир дил дараклар.



Асад АБДИЕВ

Бил, Худонинг раҳмати бор

Ҳар ишнинг бир заҳмати бор,
Заҳматга Ҳақ раҳмати бор.
Шукр қилсанг Яратганга,
Сенга турли неъмати бор.
Ақоидлар ўқиб чиқдим,
Маъносини ўқиб чиқдим.
Ҳар қайга бошимни суқдим,
Бил, Худонинг раҳмати бор.
Юрар йўлимиздир замин,
Фурабонинг егил гамин.
Худо бергай бўлса каминг,
Бил, Худонинг раҳмати бор.
Тоат қилиб, тутгил рўза,
Ҳаромдан қоч, ичма бўза.
Нафсингни тий, нафсингни тий,
Бил, Худонинг раҳмати бор.
Йўқ унда махлуқ сифати,
Ҳар ишга етар қудрати.
Асло туганмас ҳикмати,
Бил, Худонинг раҳмати бор.

**Ўзбек тилим**

Ўзбек тилим, сен қадим,
Туркий сўзим, шевамсан.
Боболар эккан ниҳолда,
Етилиб пишган мевамсан.
Сен ахир она халқимнинг,
Мангу куйлар тилисан.
Меҳр-муҳаббат боғичи,
Қалблар атиргулисан.
Мен истайман — мангу бор бўл,
Мудом ёр бўл элимга.
Ёритгувчи шамчироқ бўл,
Маърифатга, билимга.

Денов тумани

Тошкент

БИР БОҒЛАМ МОЙЧЕЧАК

Гулсум охирги марта қачон тўйиб ухлаганини эслаёлмайди. Касалга қара, уй йиғиштир, овқат пишир, кир юв, болалар... Қўлидан ишни оладиган ҳеч ким йўқ. Олдинлари таскин бериб, қўллаб-қувватлаб турадиган эри ҳам ўзгариб қолгандек. Шу боисми, бир тасалли ёки далда эшитмагани унга алам қилади. Тобора асаблари чарчаб, бардоши тугаб боряпти.



Келин бўлиб тушганидан бери қайнонаси билан бир оғиз яхши гап эшитмади ҳисоб. Ҳар ишидан камчилик топиб, уйни бошига кўтаради. Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Мана энди, юролмайд қолганида ўша “ёмон келин” кунига яраяпти. Баъзан қайнонасининг инжиқликлари эсига тушиб, шайтон васваса қилса, ўзини босиб: “Хизматларим Худо розилиги учунку”, дея истиффор айтади.

Бугун ҳам тонг саҳар қайнонасининг ингроғидан уйғонди. Турасолиб ёндош хонага чопди. Баъзан қайнонаси жони оғриб кетганида бироз бақиради. Дарҳол дориларини берди. Сал тинч-

лангач, яна ётоққа қайтди. Қанийди озгина ухлаб олса... Соатга қаради. Болаларни мактабга жўнатиш керак. Шу тобда қайнонаси яна чақирди... Ахир дорисини бердику, бир оз сабр қилса, оғриқ қолади. Барибир кўнгли бўлмади, кириб ёнида ўтирди. Ким билади, балки ёлғизликдан кўрқиб шундай қилар? Ўзи ҳам касал бўлса, болаларим нима бўлади, эримга, ким қарайди, деб кўрқади.

Ажаб, Гулсумга бирор нарса бўлса, эри ҳам қайғурармикан? Нега у бунчалар ўзгариб кетди? Ёмон одам эмасди-ку... Ёки шунчалар чарчади-микан? Бўлмаса, касал онасини ташлаб, сафарга жўнармиди? Ҳатто неча кунга кетаётганини ҳам айтмади. Гулсум ҳам сўрамади. Йўлга керакли нарсаларни тайёрларкан, юраги сиқилди – эри йўғида қайнонасига бир гап бўлиб қолмасайди. Усмон эса худди уйдаги ишларнинг ўзига алоқаси йўқдай, эътиборсизлик билан чиқди-кетди...

Қайнонаси касал ҳолида ҳам зуғум ўтказишини қўймайди. Аммо Гулсум бунга эътибор берадиган ҳолатда эмас. Хаёли эрида. Кейинги пайтлар анча бегоналашиб кетишди. Бу ҳолат қачон бошланди, нима сабаб бўлди, билмайди. Ким билсин, балки ташвишларга кўмилиб, эрининг кўнглини тополмай қолдимикан...

Гулсум турмуш қурган илк йилларини кўз олдида келтирди. Баҳор кунларида Усмон яхши кўрган гули – мой-

чечак олиб келишни қанда қилмасди. Яна баҳор келди, қирларни мойчечак қоплади... Бир лаҳза ўзини кенгликларда ҳис қилди. Тўрт томони гуллар, поёнсиз дала... Беғуборликни кўмсаб, энтикди... Ширин хаёлларини эшикнинг тақиллаши бузди. Шу пайтда ким келиши мумкин? Эшикка яқин бориб:

– Ким у? – деди.

Ҳеч ким жавоб бермади. Гулсумнинг кўрқуви ортди:

– Кимсиз?..

– Мен, Усмонман...

Эри сафарга кетмаганмиди? Бир лаҳза ичида неча ёмон ўй хаёлидан ўтди. Эшикни тез очди, остонада турган эридан ҳовлиқиб сўради:

– Тинчликми?

Усмон эса Гулсумни ҳайрон қолдириб, жилмайганича унга бир боғлам мойчечак тутди:

– Сен яхши кўрган гуллар!..

Демак, мойчечакни яхши кўриши ҳали ҳам ёдида экан...

Зилдай чарчоқлари бир зумда тарқади, руҳи енгил тортди, гўё осмонларга парвоз қиларди. Эрининг қўлидан мойчечакларни оларкан, “Раҳмат”, дея тўйиб ҳидлади. Баҳор гўзаллигини ҳис қилди. Бўлди, бундан буён қайнонасининг бақириқларию бош-охири йўқ рўзғор ишлари ва уйқусизлик – ҳеч бири Гулсумга оғир келмайди. Ахир, эри унга яна мойчечаклар келтирди...

Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи
тайёрлади.



Баъзи аёлларни уй бекаси десангиз, негандир ёқтирмагандай бўлишади. Бунга сабаб “уй бекаси” бўлишнинг асл моҳиятига тушунмай, паст назар билан қарашларидир.

Аслида, аёлнинг чинакам латофати уйларида бекалик қилган чокларида яққол кўрилади. Бекалик билан оналик вазифалари яхлит, ажралмасдир. Хотин киши яхши касбунара эгаллаган бўлса ҳам, уйда бекалигини унутмаслиги керак. Она... оила тутувчи...

Яхши уй бекаси бўлиш осон эмас. Ҳар ҳолда идора ишларидан кўра оғирроқ. Буни “ишловчи” аёллар жуда яхши ҳис қилишади. Аёлнинг табиати бекаликка мослашган. Чунки уй ишлари аёлга завқ ва ҳаяжон беради. Буни идрок этганлар учун бекалик бахту саодат манбаидир. Пиширган овқатини дастурхон атрофида бутун оила жам бўлиб ейиши, эри ва болаларидан миннатдорлик эшитиши, бир она сифатида

этиборидан четда қолмаслиги керак. Тозалик беканинг муваффақият ойнасидир. Озода бека бошқаларнинг ҳам руҳий дунёсини ойдинлатади. У, айниқса, ошхона, ҳаммом, ҳожатхона тозалигига катта этибор беради. Чунки саломатлик кўпроқ ана шу жойлар тозалигига боғлиқ. Ақлли уй бекаси оила аъзолари эҳтиёжларини эри билан маслаҳатлашиб бажаради.

Уй бекаси бола тарбияси-

УЙЛАРИМИЗНИНГ БЕКАЛАРИ

эрининг сирдоши, меҳрибони бўлиш аёлнинг шарафли мартабасидир. Унинг бахти ҳам айнан мана шунда. Бахтини фақат кўчадан излаган аёл алданади.

“Уй бекаси эмас” ибораси аёлнинг кўпинча уйдан ташқарида бўлишини ифодалайди, яъни, уй ишларини бажармайдиган, уйига эга чиқа олмаган аёл. Хотин киши қайси касбни эгаллаган бўлмасин, унинг асл, ярашадиган иши уй бекалигидир. Яъни, у боласини эмизади, овқат пиширади, уй ишларини қилади, хотинлик вазифаларини ҳам унутмайди. Ёзини қадрлаган уй бекаси ҳаёли, ифбатли бўлади. У яхши муомалали, билимли, кенг фикрли аёлдир. Бу вазифалар аёл учун шараф устига шараф, неъмат устига неъматдир.



қадрланиши уй бекасига роҳат бағишлайди.

Уй бекаси йўқни йўндириб, оиласига фойда кўзлайди. Эри ва фарзандларининг истагини ҳисобга олган ҳолда овқат пиширади. Уйни тоза ва тартибли тутуди. Ҳатто девор бурчакларидаги қайсидир майда ёриқ ҳам унинг

ни тартибли олиб борди. Кўрганлар уни руҳиятшунос деб ўйлашади. Чунки эри ва болаларининг гап-сўзлари, табиатларини яхши англаб, саволларига жавоб қилишда ёки маслаҳатчи бўлишда имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланади. Бундай бекали уйда шовқин-сурон, бақир-чақир бўлмайди. Ширин сўзи ва табассуми билан келишмовчиликларнинг олдини олади. Чинакам уй бекаси қилган ишидан роҳат туйиб,

ҳордиқ чиқаради.

Эрлар дунё ишларини бошқаришади. Бекалар уларга энг яхши ёрдамчилардир. Яхши уй бекаларига бериладиган энг катта мукофот эса, икки дунё саодатини сўраб, ҳақларига дуо қилишдир.

Зебунисо ҲУСАЙН қизи

Жалолиддин РУМИЙ

МИСРДАГИ ХАЗИНА

Бағдодлик бир одамга отасидан катта мерос қолди. Аммо у қисқа вақтда бойлигини елга со-
вурди; йўқсилга айланди. Зеро, у бойликни заҳ-
мат-машаққатсиз қўлга киритган эди.

Танг аҳволда қолгач, қўл очиб, Аллоҳ таолога ёлвора бошлади. Бир неча кун дуо-илтижо қилди. Ни-
ҳоят, бир оқшом тушида: "Мисрга боришинг керак, у ерда катта бир хазинага эга бўласан", дейилди. Одам уй-
фонгач, вақтни ўтказмай, Миср йўлига тушди. Узоқ сафар уни қийнаб қўйди. Оч, ташна, чарчаган эди. Бир неча кун Миср кўчаларида тентираб юрди. На бир бурда нон топди, на хазинанинг изини. Ниҳоят, тиланчилик қилишга мажбур бўлди. Уялганидан кечаси тиланарди. Ўша кунлари Қоҳирада ўғрилар кўпайиб қолишган эди. Миршаб уни тутиб олди, ўғри деб ўйлаб, роса калтаклади. Шунда уқувсиз тиланчи, бечора йўқсил:

- Илтимос, урма. Мен ўғри эмасман. Сенга ҳақиқатни айтаман! - деб фарёд солди.

- Қани айт-чи, ярим кечада нимани қидир-
япсан? - деди миршаб. - Балки бегонадирсан. Аммо ёлғон гапиракўрма, менга тўғриси айт!

Одам қасам ичиб, бошидан ўтган воқеаларни айта бошлади:

- Мен на ўғри, на чўнтаккесарман, бир ғариб бағдодликман, - дея кўрган тушини ва хазина қидираётганини айтди.

Миршаб унинг гапларига ишонди ва:

- Ҳой, сен қандай ақлсиз одамсан, бир тушга ишониб, хаёлга берилиб, шу ерларга келдингми? Мен неча йилдир,

Бағдодда фалон маҳалланинг фалон кўчасидаги уйнинг фалон жойида бир хазина яширинганини тушимда кўраман. Шунга ишониб бўларканми? Қани, тезроқ бу ердан туёғингни шиқиллат-чи. Йўқса, қўлимдан кутуллолмайсан, — деб бақирди.

Бу гапларни эшитган одамнинг севинчи ичига сикмасди. Чунки миршаб айтган жой Бағдоддаги унинг уйи эди. Шоша-пиша Бағдодга йўл олди ("Маснавийи маънавий", VI жилд, 4206-байт).

*Бўлди сархуш бу хабардин, кетди дард,
Тангрига тилсиз, дудоқсиз айтди ҳамд.*

*Деди: шу калтак менга нуқлу навои,
Чун дўконим ичрадир оби ҳаёт.*

*Бир буюк ризққа етишдим, бўйлаким,
Кўрлигимдин ваҳм аро муфлис эдим.*

Шарҳ

Шарҳимиз бошланишида ўзбек халқ мақолларидан намуналар келтиришни маъқул кўрдик:

Ҳар ерни қилма орзу,
Ҳар ерда бор тош-тарозу.

Қайга борсанг ҳам,
қозоннинг қулоғи тўртта.

Бормаган жойингда олтин бор,
Кўрмаган жойингда — кумуш.

Фалон ерда олтин бор,
Борсанг, бақир* топилмас.

Бу мақоллар орқали доно халқимиз: яшаб, ишлаб, ризқинг-

га сабаб бўлиб турган, оз бўлса-да ризкинг келиб турган жойингда шарт-шароитларни ёқтирмай, қўнимсизлик, қаноатсизлик қилиб, иссиқ ўрнингни ташлаб, бошқа ерни қидирадиган бўлсанг, ҳамини ҳам қадр топавермайсан. Чунки ҳар жойнинг ҳам яхши ва ёмон жиҳатлари, қийинчиликлари бўлади. Ўз жойингни тарк этмай сабр қилсанг бир барака эшиги очилади, деган маънода ўғит беради.

Инсон табиати қизиқ. Баъзан у хом хаёллар ортидан қувлаб, ўзини чарчатади. Баъзилар қўлидаги имконият, уйи ичидаги хазинадан хабарсиз, диёрмадиёр кезишади, аниқроғи, сарсонун саргардон юришади.

Мавлоно Румий хазина излаб ҳолдан тойган одамни бундай гапиртиради: "Хазина излаб, силлам қуриди-ю, хазина ўз ўйимда эканидан хабарим йўқ. Чунки зулматда, гафлат пардаси ортида қолибман".

*Деди шўрлик: ганж эрур
хонамда чун,
Мен фақирмен йўқсилу
зормен нечун?
Бўйла бир йўқсил гадо
ганж узрамен,
Чунки зулмат ичра,
гафлат ичрамен.*

Ҳикояда англантилгани каби, баъзан жуда яқиндаги неъмат ва имкониятларга қанча кўп заҳмат ва қийинчиликлардан сўнггина эришилади.

Бу ҳикояни яна қуйидагича тушуниш ҳам мумкин: Аслида хазина бир мажоз, тимсолдир. Яъни, бу ўринда чинакам ишқ хазинаси назарда тутилган. Бу асл хазина ўзимиздадир. Ҳар биримиз маънавий комилликка, кўнглимиздаги ноёб хазинага етишмоқни мақсад қилишимиз керак.

Шу маънода Ҳазрат Алишер Навоий:

*Ўз вужудинга
тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан,
ўзингдин истагил,*

деб ёзганлар.

Абдуллоҳ МУРОД
тайёрлади.

* бақир - қизил мис

Қатиқ ичиш саломатликка жуда фойдали. Қатиқ тери, жигар ва томирларда қон айланишини яхшилайди. Унда калсий, магний, фтор, фосфор минераллари кўп. Қатиқ ошқозон безлари ишлаб чиқаришини кучайтириб, ҳазми осонлаштиради.

Қатиқнинг хосиятлари

Қатиқ тананинг микроблар таъсирига чидамини оширади, суяк емирилишининг олдини олади, иситмани туширади. Шунингдек, қатиқ:

- толиқишнинг олдини олади;
- руҳий зўриқшни тарқатади;
- асаб тизимини қувватлантиради;
- уйқусизликни кетказди;
- томирларни мустаҳкамлайди ва мушакларга дам беради;
- қон босимини меърага келтиради;
- эшакеми каби тери қасалликларига даво бўлади;
- яралар ва куйиш тузалишида кўмаклашади;
- сийдик йўли ша-



моллаши, яллиғланишига шифо бўлади;

- ошқозон ва ичакни ёқимсиз хилтлардан халос этади;

- сафрони кетказди ва буйрак хасталикларига шифо бўлади;

- семиришнинг олдини олади.

Зебунисо ҲУСАЙН қизи
тайёрлади.



Бирдам бўлсак — биз бормиз,


Ўтган 2009 йил охирида Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида халқаро шеърят байрами ўтказилган, унда таниқли шоиримиз Мирзиз Абзам иштирок этган эди. Куйида ушбу мушоирада қатнашган баъзи шоирлар ижодидан намуналар ўқийсиз.

Асад БАЙРАМ (Македония)

Бошим узра ёнган шам

Бу кеча соҳилда айланиб юрдим,
Кўлда юлдузлар чўмилишин кўрдим.
Чўкмасинлар дея кўриқлаб турдим
Дир-дир титраганча ҳар бири узра.

Ёнган шамни кўриб синди кўл ойнаси,
Қочдим оёғимни кўлимга олиб.
Нафасим тиқилиб
Қайтдим ўринга.
Таним кўлдан чиққан одам сингари
Қора терга ботганди.
Кўрдим бошим узра ёнаётган шамни...



Салим ТУРОН (Олмония)

Болалик

Кимлардир бош эгиб кезаркан,
Кўк юзини томоша қилардим мен.
Мовий маржонлардай тизардим юлдузларни
Ва оқ булутларни ортардим
Жилдларимга болалар учун.
Улар каби соф, улар каби тоза
Хаёл диёрида кезардим.
Билмасдим: нималарнинг ичидамиз,
Нима бор ташқарисида бу дунёнинг?



Қушлар ўтарди тизим-тизим,
Фурбат ўлкаларга кетишарди.
Боққанча қолардим ортларидан кўпинча,
Бўлак-бўлак бўлаверарди юрагим.
Айрилиқларни унутиб,



Капалакларни қувлардим телбаларча.
Читтаклар пир-пир учарди шоҳларда,
Қуёш қамаштирарди кўзимни...
Мутлақо эгаси бор эди буларнинг,
Ўйнаб чопишлари учун болаларнинг
Рангоранг гуллар билан
Безатганди бу дунёни.
Ҳазин тортардим ўз-ўзимча
Йиғлаётган болаларни кўрганда.
Ҳеч бир бола йиғламасин,
Онаси, отасиз қолмасин дея
Дуолар қилардим ўзимча,
Ёлворардим Яратганга.
Болалар эди бутун дунём,
Ёлворардим Аллоҳга кечалар бўйи:
Оҳ, доим бола бўлиб қолсайдим...

Зайнал БЕКСОЧ (Косова)

Азалдан бери

Менга ўзингни ёр этдинг, Озарбойжон,
Умрим тугамасдай Қорабоғнинг йўлида...
Уйига қайтаётган қариндош опам билан
Ёнма-ён
Йўл олсам,
Қорабоғда тўй қилсам...
Тонг қўшиқлари билан
Ўзимда йўқ шод рақсга тушсам.
Дўстнинг болалик кўчасида
«Тинчлик» боғини яратсам...
Дунёдан кўл-оёқ узмасдан

Тўкин ҳаётга ёрмиз

Қорабоғда севинч баҳори гуллаган
Дарахларга қувватдори бўлсам...
Илдиз панжасидаги жилмайишлар
Сурхуш этса мени
Бўлинмаган уйқуларида
Улашаверсам тушларни, Озарбойжон...
Сен ичимда яна битта жонсан,
Болалигим варрагида
Рангоранг излари қолган.

Ўроз ЁҒМУР (Туркменистон)

Қардошлик дунёмизда

Қардошлик дунёмизда,
Тилда, ишда, фикрда
Бирга бўлсак — биз бормиз,
Тинчлик, зафарга ёрмиз.
Каркук бир кўзим менинг,
Қибрисдир бошқасида.
Бўлим-бўлим Болқонда
Авлод бор айни қонда.
Салом ўзбекларимга,
Жон жоним озаримга.
Олмосим бор Ёқутда,
Олимим кўп Бошқуртда.



Татарда Тўқайларим,
Қозоқда Абайларим,
Қирғизда Чингизим бор,
Қўмуқда илдизим бор.
Азиз қорақалпоғим,
Гагауз менинг ўзим.
Болқорим, Қорачойлим,
Уйғурим ва Олтойим.
Омон бўлишсин доим,
Куёш, юлдуз ва ойим.
Менинг бошим туркманда,
Қалбим қардош томонда.
Қардошлик дунёмизда,
Тилда, ишда фикрда
Жон қирғизим, англагин:
Бирга бўлсак — биз бормиз,
Тўкин ҳаётга ёрмиз.

Миразиз АЪЗАМ
таржималари

Бир гуруҳ са-
ёҳатчилар ба-
лагд тоғ сайри-
га чиқишаётган-
нида олисдан
бундай нидо
эшитилди: “Бу
тоғнинг тошла-
ридан олган
ҳам, олмаган
ҳам афсуслана-



САВОБ ИШНИНГ КЎПИ ҲАМ ОЗ

ди”. Одамлар ўйланиб қолишди. Бу қандай ҳол? Олган ҳам, олмаган ҳам афсусланса...

Пастга қайтиб тушишда уларнинг ярми тошлардан олиб, ярми эса ҳеч нарса олмагани маълум бўлди. Тош олиб тушганлар халтачаларини очиб қарашса, ичида қимматбаҳо дурлар-олмосларни кўришди. Шунда тошлардан олмаганлар: “Биттагина тош олган бўлсак қанийди”, дея ўқинишди. Олганлар эса: “Кўпроқ олсак бўлар экан...” деб афсусланишди.

Улуғларнинг айтишларича, охиратда одамлар шунга ўхшаш ҳолга тушишаркан. Яъни, у умрини бекорга совурганлар умрини яхшиликлар билан ўтказганларнинг жаннатдаги даражаларини кўриб: “Биз ҳам тирикликимизда шундай эзгу ишлар қилган бўлсак қанийди...” деб афсус-надомат қилишлари, жаннатга киритилганлар эса ўзларидан юқори даражадагиларга қараб: “Яхши амалларни янада кўпроқ қилганимизда эди...” деб қолишлари таъкидланади.

Дилафрўз САЛОҲИДДИН қизи
тайёрлади.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖОН ТОМИРИ

Бугун «қора олтин» – нефтнинг аҳамияти қанчалар муҳимлигини ҳамма билади. Халқ хўжалигининг бирор соҳаси йўқки, унда нефтдан фойдаланилмаётган бўлсин. Осмондаги учоқлар, денгизлардаги сон-саноксиз кемалар, кўчалар тўла автоулов, поездлар, ҳамма-ҳаммаси нефтсиз бир қадам ҳам жилмайди. Тиббиётни оласизми, фазогирлик соҳасиними ё саноатни айтасизми, барча тармоқларда нефт сув ва ҳаводай зарур.

«Қора олтин» Аллоҳ таолонинг инсонларга ато этган улуғ неъматларидан бири ҳисобланади. Аллоҳ таоло бу неъматни асосан мусулмонлар кўп яшайдиган ўлкаларга тортиқ қилган. Дунёда нефт қазиб олувчи ва қайта ишловчи асосий мамлакатлар рўйхатига бир назар ташлайлик: Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Бруней, Жазир, Ироқ, Индонезия, Камерун, Котд’Ивуар, Ливия, Малайзия, Миср, Нигерия, Озарбойжон, Саудия Арабистони, Судан, Сурия, Тунис, Туркия, Туркменистон, Уммон, Чад, Эрон Ислам Республикаси, Яман, Ўзбекис-



тон, Қатар, Қозоғистон, Кувайт ва Ҳоказо.

Маълумотларга кўра, биргина Саудия Арабистонида ҳозир кунига ўн миллион баррел «қора олтин»

қазиб олинади. Бу эса бир ойда уч юз миллион, уч ойда эса салкам бир миллиард баррел нефт қазиб олинади деганидир. Нефтнинг бир баррели бир доллардан сотилса ҳам (1950–1970 йиллари шу нархда сотилган), уч ойда мамлакат нефт ҳисобидан бир миллиард доллар пул ишлайди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ривожланган ғарб мамлакатлари халқлари ноёб ва қимматли неъмат бўлган нефтини улар билан баҳам кўраётгани учун ҳам мусулмон халқларга ҳурмат ва эътибор кўзи билан қарашлари лозим. Шунингдек, уларни ҳадеб ёмонотликқа чиқаравермаслиги керак.

Мусулмон мамлакатларининг аҳолиси эса Аллоҳ таоло ато қилган бу улкан, бебаҳо неъматнинг қадрига етиши, масъулиятини англаши ва исроф, талон-тарож қилинишига йўл қўймаслиги зарур. Чунки Аллоҳ таоло берган неъматларининг ҳисобини ҳам сўрайди.

Доктор Саид
Хусайн ПОШШО,
тадқиқотчи
олим

